Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

6 июль 1971 йил, сешанба ◆ № 153 (15.023). ◆ Баҳоси 2 тийин.

РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ АКТИВИ МАКТАБИДА

5 июлда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги республика партия активи мактабининг навбатдаги машғулоти бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин «КПСС XXIV съезди ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилаш тўғрисида» деган темада лекция ўқиди.

(ЎзТАГ).

ҚЎШМА АХБОРОТ

БИРЛАШГАН АРАБ РЕСПУБЛИКАСИ БОШ МИНИСТРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ВА ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРИ МАҲМУД РИОДНИНГ СОВЕТ ИТТИФОҚИГА ВИЗИТИ ТЎҒРИСИДА

Бирлашган Араб Республикаси Бош министрининг ўринбосари ва ташқи ишлар министри Маҳмуд Риод 1971 йил 29 июндан 4 июлгача Совет ҳукуматининг меҳмони сифатида Совет Иттифоқида бўлди.

Маҳмуд Риод ва СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико 1971 йил 1 июлда СССР билан Бирлашган Араб Республикаси ўртасида дўстлик ҳамда ҳамкорлик тўғрисидаги шу йил 27 майда Қоҳирада имзоланган Шартноманинг ратификация қилинган ёрлиқларини айирбошладилар. Шундай қилиб, мазкур Шартнома ратификация ёрлиқлари айирбошланган пайтдан эътиборан кучга кирди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев Маҳмуд Риодни қабул қилди ва Совет—Миср муносабатлари, Яқин Шарқдаги вазият масалалари, шунингдек ҳозирги халқаро аҳволнинг баъзи проблемалари юзасидан у билан дўстона суҳбатлашди.

М. Риод СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико билан учрашди ҳамда суҳбатлашди.

Учрашув ва суҳбатлар вақтида СССР билан Бирлашган Араб Республикаси ўртасидаги икки томонлама муносабатларга доир масалалар муҳокама қилинди. Совет Иттифоқи билан Бирлашган Араб Республикаси ўртасида тузилган ва кучга кирган Шартнома сиёсий, иқтисодий, маданий соҳада ва бошқа соҳаларда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янада кўпроқ кучайтиришга ёрдам беради, деб ишонч билдирилди. Томонлар Шартнома Совет Иттифоқи ва Бирлашган Араб Республикаси халқлари ўртасида вужудга келган ва тинчлик учун, социал тараққиёт учун курашнинг муштарак мақсадларига асосланган дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини бузишга бор кучлари билан интилаётган халқаро империализмнинг планларига янги зарба бўлиб тушади, деб алоҳида таъкидладилар.

Шартнома Исроил империалистларининг агрессияси оқибатларини тугатиш ва Яқин Шарқдаги вазиятни нормаллаштириш, тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш учун кураш ишига муҳим ҳисса бўлиб қўшилади.

Томонлар ҳозирги халқаро аҳвол масалалари юзасидан ҳам фикрлашиб олдилар. Шу билан бирга асосий эътибор Яқин Шарқдаги аҳволга ва Совет Иттифоқи ҳамда Бирлашган Араб Республикаси Исроил агрессиясининг оқибатларини тугатиш учун курашда кўраётган тадбирларга қаратилди.

Томонлар Исроилнинг агрессив ва экспансиячилик йўли Яқин Шарқдаги кескинликнинг ва тинчлик йўқлигининг асосий сабабидир, деб таъкидладилар. Улар шу нарсага аминдирларки, АҚШ сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий жиҳатдан ёрдам ва мадад бермаганида Исроил ҳукумати ўзининг агрессив сиёсатини ўтказа олмаган бўлур эди ва тинчликсевар кучларнинг Яқин Шарқ можаросини Хавфсизлик Кенгашининг 1967 йил 22 ноябрь резолюцияси ҳамма қоидаларини бажариш асосида тинч бартараф қилишга қаратилган ҳамма уринишларига қарши чиқолмаган бўлур эди. Томонлар Яқин Шарқ можаросининг ҳамма томонларини бир-бири билан боғлаб ана шу можарони бартараф қилиш лозим эканлигини таъкидладилар. Буларнинг энг муҳими шуки, Исроил қўшинларини 1967 йилда босиб олинган араб территорияларидан олиб чиқиб кетиш ва Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш, шунингдек Фаластиндаги араб халқининг қонуний ҳуқуқларини таъминлаш керак.

Шу билан бирга қуйидагилар таъкидлаб ўтилди: халқаро кемалар қатнови учун Сувайш каналини очиб қўйиш проблемасини бошқа проблемаларни ҳал этишдан ажратиш мумкин эмас ва бу проблема Исроилнинг ҳамма қўшинларини 1967 йил 5 июнгача бўлган чизиққа олиб чиқиб кетиш, Исроил қўшинларини олиб чиқиб кетиш юзасидан қатъий муҳлатлар белгилаш тўғрисидаги битим билан боғланиши керак.

Томонлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош секретарининг Яқин Шарқдаги махсус вакили элчи Яррингнинг миссиясини қўллаб қувватлаётганлигини яна таъкидладилар.

Шартномага мувофиқ Яқин Шарқдаги вазиятни нормаллаштириш ва адолатли ҳамда мустаҳкам тинчлик ўрнатиш мақсадида Яқин Шарқ можаросини бартараф қилиш борасида томонларнинг бундан буён кўрадиган чоралари хусусида фикрлашиб олинди. Томонлар шуни таъкидлаб ўтишдики, Яқин Шарқ можаросини Хавфсизлик Кенгашининг 242-резолюциясидаги барча қоидаларни бажариш асосида сиёсий воситалар билан бартараф қилишга эришиш йўли Совет Иттифоқи ва Бирлашган Араб Республикасининг принципиал йўли бўлиб қолади.

Фикрлашиб олиш вақтида ёппасига ва батамом қуролсизланиш ҳамда халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш, шу жумладан бактериологик ва химиявий қурол запасларини тайёрлаш, ишлаб чиқариш ва тўплашни тақиқлаш проблемалари билан боғланган масалалар ҳам муҳокама қилинди. Миср томони Совет ҳукуматининг қуролсизланиш ва халқаро кескинликни юмшатиш ҳақидаги кейинги таклифларига юксак баҳо берди.

Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Шартнома Совет ҳукумати ва Бирлашган Араб Республикаси ҳукумати ўртасида мунтазам суратда алоқалар ўрнатишни ва маслаҳатлашиб туришни кўзда тутади. Томонлар бундай алоқа ва маслаҳатлашиб туришлар муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб, Совет—Миср муносабатлари, ҳозирги халқаро аҳвол ва Исроил агрессиясининг оқибатларини тугатиш учун кураш масалалари юзасидан маслаҳатлашиб туриш ва алоқаларни бутун чоралар билан кенгайтириш зарур эканлигини айтдилар.

ПАХТАКОР ЎРТОҚЛАР!

* ҒЎЗАЛАРНИ ЧИЛЛА СУВИГА ҚОНДИРИНГ, ЎҒИТЛАР ҚОРИШМАСИГА ТЎЙДИРИНГ
* Намни тўла сақлаб қолинг.
* *Зараркунандаларни қириб ташланг!*




СИРДАРЁ областининг янги ташкил топган Ворошилов районидаги «Қизил Октябрь» колхози заршунослари 1810 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 25 ўрнига 28 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтариш ниятида ҳормай-толмай меҳнат қилмоқдалар. Ҳозир колхозда ғўза парвариши қизғин тусда боряпти. Суратда: (ўнгда) колхознинг Меҳнат Қизил Байроқ орденли бригада бошлиғи С. Бахтиёрова, (чапда) у бошлиқ бригада сувчилари ғўзаларни қондириб суғормоқдалар, (ўртада) Х. Узоқов бошлиқ бригада ғўзаларига тўртинчи марта комплекс ишлов беріляпти.

Ф. Лутфуллаев фотолари.

ҒАЛЛАКОРЛАРГА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети ғалла ўриш, давлатга дон топшириш, уруғлик ва ем-хашак фондларини жамғариш ҳамда дон ташиш юзасидан республика областлари, район ва совхозлари ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1971 йил 1 июлгача бўлган якунларини қараб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг кўчма Қизил Байроғини қуйидагиларга беришга қарор қилинди:

Қашқадарё областига (область партия комитетининг секретари ўртоқ **Ғойипов**, область ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Сирожиддинов**, область қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Муродов**, область совхозлар трестининг директори ўртоқ **Тошқулов**, «Узсельхозтехника» область бирлашмасининг раиси ўртоқ **Рижков**, дон маҳсулотлари бош базасининг директори ўртоқ **Шарипов**) берилди. Бу область 140,4 минг гектар ёки дон ва бошоқли экинлар умумий майдонининг 53,9 процентини ўриб-йиғиб олди. Давлатга 4,5 минг тонна ғалла сотди ва уруғлик жамғариш фондини 24 процент бажарди.

Самарқанд областидаги **Пастдарғом районига** (район партия комитетининг секретари ўртоқ **Шоражабов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Худойқулов**, район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Исломов**) берилди. Бу район дон ва бошоқли экинларни ўриш ҳамда уруғлик жамғариш планларини 100 процент бажарди.

Сирдарё областидаги **«Ударник»** совхозига (совхоз директори ўртоқ **Султонов**, партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Умаров**, ишчилар комитетининг раиси ўртоқ **Бурхонов**) берилди. Бу совхоз мавсум бошидан буён 13,2 минг гектар ёки 53 процент майдондаги дон ва бошоқли экинларни ўриб йиғиб олди, уруғлик жамғариш планини 43 процент, ем-хашак экинлари жамғариш планини 82,5 процент бажарди ва давлатга 184 тонна дон топширди.

Фарғона область юк ташиш автотрести Қўқон автобазасининг 20-автоколоннасига (автоколонна бошлиғи ўртоқ **Гонтарук**, партия ташкилоти секретарининг ўринбосари ўртоқ **Худоёров**, маҳаллий комитет раиси ўртоқ **Азимов**) берилди. Автоколонна дон ташиш планини 106 процент бажарди.

ҚЎШНИЛАРНИНГ ЎЗАРО ЁРДАМИ

Андижон область пахтакорларининг ўзаро текшириш бригадаси Фарғона областидаги хўжаликларнинг далаларида қилган ишлари Фарғона область партия комитети бюросининг мажлисида якунлаштирилди.

Андижонликлар беш кун мобайнида Фарғона деҳқонларининг ғўзани қандай парвариш қилаётганликлари, беш йилликнинг биринчи йилида олинган мажбуриятларни бажариш учун қандай курашаётганликлари билан танишиб чиқдилар.

Мусобақадош дўстлар хўжаликларнинг кўпчилигида ғўза парвариши уюшқоқлик билан олиб борилаётганлигини, техникадан ғоят самарали фойдаланилаётганлигини, суғориш ва озиқлантириш ўз вақтида ўтказилаётганлигини таъкидладилар. Шу билан бирга Риштон, Ленинград, Ўзбекистон, Фрунзе районлари ва бошқа районлардаги баъзи майдонларда ғўзанинг кеч ривожланаётганлиги аниқланди.

Фарғона область партия комитетининг бюроси қабул қилган ўз қарорида ғўза парваришида рўй берган ва мусобақадош дўстлар аниқлаган нуқсонларга тезликда барҳам бериш чораларини белгилади. (ЎзТАГ).

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Совет Иттифоқи билан Корея Халқ Демократик Республикаси ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги Шартноманинг 10 йиллиги муносабати билан Л. И. Брежнев, Н. В. Подгорний ва А. Н. Косигин ўртоқлар КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, Министрлар Совети ва бутун совет халқи номидан Ким Ир Сен билан Цой Ен Ген ўртоқларга ва улар орқали Корея Меҳнат партияси Марказий Комитети, Олий Халқ мажлиси президиуми, КХДР Министрлар Кабинети ва бутун корейс халқига самимий қутловлар йўлладилар.

Телеграммада шу нарса таъкидлаб ўтиладики, 1961 йилги Шартнома совет халқи билан корейс халқи ўртасида тарихан таркиб топган дўстлик муносабатларини янада мустаҳкам дўстлик алоқаларига айлантирди, улар ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш учун янги катта имкониятлар яратиб берди.

Совет Иттифоқи билан Корея Халқ Демократик Республикаси ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш, дейилади телеграммада, халқларимизнинг ва бутун социалистик ҳамдўстликнинг туб манфаатларига мос бўлиб тушишига, империализм, реакция ва уруш кучларига қарши кураш ишига хизмат қилишига ишончимиз комил. (ТАСС).

ТАШВИШЛИ СИГНАЛ

ҚЎЛЛАТИБ ВА ЧЎЛЛАТИБ...

Бу йил Қашқадарё областида сув танқислиги ҳар йилдагидан ҳам сезиларли бўляпти. Сув ҳавзаларида тўпланган ҳар бир литр об-ҳаёт тежаб-тергаб сарфланаётир. Тажрибали деҳқонлар ер ости ва булоқ сувларидан ҳам унумли фойдаланаётирлар. Насослар ўрнатилиб, ҳар бир литр сув ғўза пайкаллари томон оқизиляпти.

Лекин Қамаши районидаги «Фарғона» совхозида бу йилги сув танқис ва мураккаб шароитда сувнинг қадрига етмаётирлар. Хўжаликда ишнинг тўғри ташкил этилмаётганлиги, суғориш ва культивация, ўсимликларни озиқлантириш узвий боғлаб олиб борилмаётганлиги натижасида катта-катта майдонлардаги ғўзалар ўсишдан орқада қолмоқда. Совхоз учун ҳар куни 3200-3350 литрдан ортиқ сув ажратилмоқда. Бу миқдордаги сув билан бир кеча-кундузда 300 гектардан ортиқ майдондаги ғўзаларни мириктириб суғориш мумкин. Лекин совхозда ҳар куни 150-200 гектар майдондаги ғўза суғориляпти, холос.

Биз совхозда бўлганимизда далаларни айландик, сувчилар билан суҳбатлашдик. Учинчи бўлимнинг Тоғаймурод Худойназаров бошлиқ бригада даласида бўлганимизда далаларга оби-ҳаёт етказиб берадиган асосий ариқ тўла сув оқар, лекин сувчилардан дарак йўқ эди. Пайкалнинг ичига кирганимизда эгасиз қолган сув ўсимлик илдизларини ювиб кетаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Айрим эгатлардан сув тўлиб оқаётган бўлса, кўпгина эгатлар намланмаган ҳам экан. Картанинг қуйи қисмида росмана кўл пайдо бўлибди.

Тожи Ғойибназаров бошлиқ бригадага 100 литр сув ажратилган. Ана шу сувни фақат битта сувчи Ҳайдар Омоновнинг ўзи тутяпти. Унинг бир ўзи икки ариқ сувни эплай олмаётир. Натижада сув тошиб, ғўзаларни ювиб кетяпти. Бизнинг таажжубимизга тўртинчи бўлим агрономи Шамси Сатторов:

— Иш бўлгандан сўнг, камчилик ҳам бўлади-да, тузатамиз, — деб жавоб берди.

Умуман совхоз бўйича сувдан фойдаланиш ва суғориш ниҳоятда қониқарсиз ташкил этилган. Қўшни хўжаликларда ҳар 10-15 литр сувга бир сувчи бириктирилаётган бўлса, «Фарғона» совхозида 25 литр, айрим бригада ва бўлимларда эса 30-35 литр сувга бир сувчи бириктирилаётир. Совхозда ғўзани кеча-кундуз баббаравар суғориш учун шароит йўқ. Совхозда суғоришни назорат қилиш учун сифат комиссияси тузилмаган. Маълум карталар сувчиларга бириктирилмаган. Сувчилар хоҳлаган жойдан суғоришни бошлаб юбораверишади. Мутахассислар, совхоз раҳбарлари ишни бўшаштириб юборганлар.

Совхоз бўйича ҳар гектар ердан 25 центнердан пахта етиштириш мажбурияти олинган. Хўжаликда юз бераётган аҳвол эса мажбуриятга ярашa эмас. Қамаши район партия, совет ташкилотлари «Фарғона» совхозида содир бўлаётган ачинарли ҳолни тезда бартараф қилиш учун зарур тадбирларни амалга ошириши лозим.

Х. СУННАТОВ,
«Қашқадарё ҳақиқати» газетасининг редактор ўринбосари.

П. ГАДОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

«ЛУНОХОД-1»НИНГ ОЙДАГИ ТЎҚҚИЗИНЧИ ТОНГИ

ОЛИС КОСМИК АЛОҚА МАРКАЗИ 5 июль. (ТАСС). Узоқдаги «Луноход-1» аппарати Ойга Қуёш чиқишини тўққизинчи марта кутиб олди.

Луноход билан 3 июлда ўтказилган навбатдаги алоқа сеансида аппарат ичидаги системаларнинг аҳволи текшириб чиқилди. Шунда олинган телеметрик ахборот анализи ўзи юрадиган аппарат Ойдаги тун шароитларини яхши ўтказганлигини кўрсатди. Луноходнинг ҳамма системалари ва агрегатлари қониқарли ишлаб турибди. Асбоблар бўлинмасидаги температура Цельсий ҳисоби билан плюс 22 градусни, босим эса симоб устунининг 753 миллиметрини ташкил этади.

Алоқа сеансида Қуёш батареясининг панели очиб қўйилди.

Олий космик алоқа маркази «Луноход-1» автомат аппарат билан мунтазам радио алоқа боғлаб турибди.

Ой юзида совет автомат лабораториясининг иши давом этмоқда.

КПСС XXIV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ—ҲАЁТГА

СЪЕЗД, БЕШ ЙИЛЛИК ВА ДЕҲҚОН

Жавли ЖАББОРОВ,

Шаҳрисабз районидаги Ленин номли колхоз пахтачилик бригадасининг бошлиғи, республикада хизмат кўрсатган пахтакор.

„СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ" АНКЕТАСИГА ЖАВОБ БЕРАДИ

1. Партия XXIV съезди ҳақидаги таассуротларингизни сузлаб берсангиз.

Съезд ҳужжатларида ҳар бир касб эгаси ўз соҳаси бўйича белгиланган вазифаларни топади, шунга қараб план тузади.

Масалан, бизнинг касбимиз — пахтачиликни олиб кўрайлик. Беш йиллик охирига бориб мамлакатимизда 7—7,2 миллион тонна пахта тайёрланиши керак. Шундан қарийб 5 миллион тоннасини Ўзбекистонимиз беради. Хўш, бу маррага етиш учун нималар қилиш керак? Съезд бунга ҳам йўл-йўриқ кўрсатди. Янги ерларни очиш, ерларнинг ирригация-мелиорация ҳолатини муттасил яхшилаб бориш, кимё мўъжизаси — ўғитлардан самарали фойдаланиш, бутун дала ишларини механизациялаш керак. Ҳар бир деҳқон деҳқончилик маданиятини юксалтириш соҳасида қунт билан иш олиб бориши лозим.

Шу ўринда бир мисол келтираман. Мен узоқ йиллардан буён пахтачилик бригадасига бошчилик қиламан. Яқинларгача ҳар гектар ердан 25 центнер атрофида пахта олардик. Энди аҳвол ўзгариб кетди. Машина, ўғитдан самарали фойдаланиб ҳосилдорликни гектар бошига 45 центнерга етказдик. Бу йил ҳосилдорликни 48 центнерга етказамиз.

2. Бултурги ишингизнинг якунлари билан бу йилги мажбуриятларингизни қиёслаб, шу кунларда нима ишлар қилаётганлигингизни айтиб ўтсангиз.

Колхозимиз ўтган беш йилликда давлатга 27.526 тонна пахта сотди. Бу пландагидан қарийб 5 ярим минг тонна кўп. Кўзда тутилган 208 ўрнига 1020 тонна дон етказиб берди. Хўжалик комплекс тараққий эттирилди, ҳамма тармоқлардан фойда олинди, зарар келтирадиган соҳа қолмади.

Янги беш йилликда она-Ватанга 29 минг тонна «оқ олтин» етказиб берамиз. Чорвадорларимиз эса 1975 тонна сут тайёрлаб, шундан 1616 тоннасини давлатга сотадилар. Аввалги беш йилликда 302 тонна гўшт сотилган бўлса, янги беш йилликда бу миқдор 557 тоннага етказилади. Бошқа хил қишлоқ хўжалик ва чорва маҳсулотлари тайёрлашда ҳам юқори кўрсаткичларга эришилади.

Яна бир қатор муҳим тадбирларни амалга оширамиз. Жумладан, колхоз бўйича энг кўп ва энг арзон пахта етиштиришга аҳд қилдик. Ҳисоб-китобимизча, беш йил мобайнида ҳар центнер пахтанинг таннархини 28-30 процент миқдорида камайтирамиз. Шу мақсадда ёнилғи, уруғлик чигит ва бошқа ресурсларни илоҷи борича тежаб-тергаб сарфлаймиз. Маҳаллий ўғитдан фойдаланишга алоҳида аҳамият берамиз. Ҳозир учинчи комплекс ғўза парваришини давом эттиряпмиз. Ғўзаларимиз ёппасига шоналади. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳайитбой Маҳмудов, Хуррам Маматқулов ва бошқа ўртоқлар бошчилик қилаётган бригадаларга қарашли майдонлардаги ғўзалар ҳам шоналаяпти, яқин кунларда гул кўрсатади.

3. Съезд ҳужжатларида меҳнат унумдорлигини ошириш, тежамкорлик ҳақида яхши гаплар айтилди. Бу борада сиз нималар қилдингиз-у яна нималар қилмоқчисиз?

Меҳнат унумдорлигини ошириш ҳам, тежамкорлик ҳам кўп жиҳатдан дала ишларини комплекс механизациялаш, хусусан пахта теримини тўла машиналаштиришга боғлиқ. Ҳамманинг фикри-зикри оғир меҳнат талаб қиладиган ишларни зўр қувватга эга бўлган машиналар гарданига ортишга қаратилган. Бу соҳада катта ишлар қилинди. Чигит экишдан тортиб, пахтани саранжом-саришталаб олишгача бўлган ишларни машиналар бажаряпти, илғор бригадалар пахтасини юз процент «зангори кема»ларда териб оляпти.

Лекин масаланинг нозик томони бор. Пахта териш машиналарининг қувватидан тўла фойдаланилмаяпти. Ҳар йили уларни икки сменада ишлатамиз деймиз-у, амалда бир сменада ишлатамиз. Чунки малакали механизатор кадрлар етишмаяпти.

Колхозимиз уруғчилик хўжалиги ҳисобланади. Шунга қарамай, терим машиналаридан яхши фойдаланиб келяпмиз. 1966 йилда «зангори кема»ларда 2000 тонна пахта терилган бўлса, 1970 йилда 2400 тонна пахта терилди. Бу йил 2800 тонна пахтани машиналарда саранжомлаб олишни кўзда тутмоқдамиз. Бригадамизда камида 85 процент ҳосилни механизмлар воситасида терамиз ва йиғиштириб оламиз. Тажриба учун 30 гектар ерда бутунлай қўл кучи ишлатмай терим ўтказмоқчимиз. Агар, яхши самара берса, келгуси йилдан бошлаб ҳамма бригадаларда бу усулни кенг қўллаймиз.

4. Пахта ҳосилдорлигини ошириш учун яна қандай резервлар бор деб ҳисоблайсиз? Бундай резервлар бошқа хўжаликларда ҳам топиладими?

Уруғ — ҳосилнинг онаси. Ҳосилдорликни ошириш учун муттасил уруғ-чигитни янгилаб боришимиз керак. Вилт касали кенг тарқалган ҳозирги вақтда янги нав уруғлар етиштириш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш биринчи даражали аҳамиятга эгадир. «Тошкент-1», «Тошкент-2», «Тошкент-3» пахта навларини яратган олимлардан миннатдормиз. Лекин бу нав пахталарнинг уруғи ҳозирча эҳтиёжни қопламаяпти. Шу сабабли бу йилги пахта йиғим-терими даврида уруғчилик хўжаликлари, участкаларида ишни намунали ташкил қилиб, кўпроқ уруғлик чигит жамғариб олишга эришмоғимиз керак.

Пахта-беда алмашлаб экиш ҳақида кўп гапириляпти. Лекин кам иш қилиняпти. Пахта ерини кенгайтириш зарур бўлиб қолган тақдирда биринчи навбатда бедазорлар ҳайдаб юборилади. Бунга қатъий барҳам беришимиз керак. Алмашлаб экишга маккажўхорини ҳам киритиб, пахта-беда-маккажўхори алмашлаб экишни тўла жорий қилсак, пахта ҳосилдорлигини кўтаришга мустаҳкам замин яратган бўламиз.

Шу ўринда бир фикрни ўртага ташламоқчиман. Уруғчилик хўжаликлари кўп ва сара уруғ тайёрлагани учун маълум миқдорда мукофот пули олади. Лекин бу кам. Менимча, республика Қишлоқ хўжалик министрлиги уруғчилик хўжаликлари ва уруғ етиштирувчи деҳқонлар манфаатдорлигини оширишга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқиши керак.

Ҳозир олдимизда турган энг муҳим вазифа — зиммага олинган социалистик мажбуриятларни қоплайдиган даражада маҳсулот етиштирилишини таъминлашимиз керак. Бунинг учун ишда интизом, ташаббускорликни кучайтирмоғимиз, оғир ишнинг устидан, енгил ишнинг остидан ўтиб юрган кишиларни умум фойдали меҳнатга жалб қилмоғимиз зарур. Сафимизда кунлик иш нормасини бажармайдиган, сифатсиз иш бажарадиган бирорта кетмончи, сувчи, механизатор, химизатор бўлмасин, ҳамма беш баҳога лойиқ ишласин. Шундагина кузга бориб пахтадан катта хирмон кўтарамиз.

КПСС XXIV съезди қарорларини амалга оширыш учун бошланган мусобақада М. Нуруллин (чалдан), Р. Раимқулов, К. Маҳаматов, М. Давлетшин, Д. Шерчибоев, Б. Мюжев, Д. Антипин ва Г. Кулик ўртоқлар Чирчиқ электрохимия комбинатида пешқадамлик қилмоқдалар. Бу зарбдор ишчилар смена топшириқларини муntазам ошириб бажариб бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар.

А. Тўраев фотоси.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

ОММАНИНГ ЕТАКЧИЛАРИ

Боғот районидаги Жданов номли колхоз коммунистларининг йиғилишида

Хоразм область» Боғот районидаги Жданов номли колхоз бошланғич партия ташкилоти қишлоқ меҳнаткашларини КПСС XXIV съезди қарорларини ва янги беш йиллик режаларини амалга оширишга моҳирлик билан сафарбар этяпти, коммунистларнинг активлигини, ташкилотчилик ва сиёсий ишнинг савиясини тинмай оширяпти.

Яқинда ўтказилган партия йиғилиши энг муҳим масалага — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети II Пленумининг «КПСС XXIV съезди қарорлари асосида бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини янада яхшилаш чоралари тўғрисида»ги қарори ва колхоз бошланғич партия ташкилотининг вазифаларига бағишланди. Йиғилиш қандай тайёрланганлиги ва ўтказилганлиги ҳақида қуйида ҳикоя қилинади.

ПУХТА ТАРАДДУД, ЧУҚУР ТАҲЛИЛ

В. И. Ленининг яхши ўтказиладиган партия йиғилишларисиз умуман партия иши бўлмайди, деган доно кўрсатмаси КПСС XXIV съезди қарорларида янада ривожлантирилди. Чунки партия йиғилиши — коммунистларни тарбиялашнинг синалган мактаби, уларнинг активлигини ошириш, бутун партия ишининг савиясини кўтариш воситасидир.

Колхоз бошланғич партия ташкилоти КПСС Уставига изчил амал қилиб, ўзининг олий органи бўлган партия йиғилишининг роли ва обрўсини оширишга, уни кенг партия оммасининг чинакам минбарига айлантиришга катта аҳамият бериб келмоқда. Айниқса КПСС Марказий Комитетининг «Ярославль шаҳар партия ташкилотида партия йиғилишларини ўтказиш практикаси тўғрисида»ги қароридан кейин бу масалага эътибор янада кучайтирилди.

Бу галги партия йиғилишига ҳам олдиндан яхши тайёргарлик кўрилди. Йиғилишдан анча илгари масалани тайёрлаш режаси пухта ишлаб чиқилди. Партком аъзоларига ва барча коммунистларга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети II пленуми материаллари билан чуқурроқ таниш, йиғилишга тайёргарлик кўришда актив қатнашиш таклиф этилди.

Партия комитети масалани тайёрлашга экономикани ва партиявий-сиёсий ишни ўрганишга, ибратли тажрибаларни умумлаштириш ва ишдаги камчиликларни таҳлил қилишга, тавсиялар ва таклифлар ишлаб чиқишга комитетнинг 9 аъзосини, актив коммунистлардан 56 кишини жалб қилди. Партия ташкилоти ҳисобида 104 коммунист туришини эътиборга олганда, коммунистларнинг ярмидан кўпроғи йиғилишни тайёрлашда қатнашганлиги равшан бўлади.

Партиявий-ташкилий ва сиёсий ишни таҳлил қилиш, цех ва бригада партия ташкилотлари фаолиятини ўрганиш партком аъзоларидан К. Раҳимов, Г. Раҳимова, К. Ортиқов ўртоқларга, шунингдек К. Йўлдошев, Н. Евбосаров, Э. Бобожонов каби актив коммунистларга топширилди. Хўжаликка партия раҳбарлиги қандай уюштирилганлиги, пахтачилик чорвачилик, комплекс механизацияни жорий этиш, меҳнатни ташкил қилиш масалалари қишлоқ хўжалик мутахассислари, бевосита ишлаб чиқаришда банд бўлган ташаббускор коммунистлар иштирокида синчиклаб ўрганилди. Қишлоқ Совети раиси О. Машарипов, богча мудири О. Собирова ва бошқа кўпгина коммунистлар эса қишлоқ меҳнаткашларига маданий-маиший хизмат қандай ташкил этилганлиги билан атрофлича танишиб чиқишди.

Масалани тайёрлашга жалб қилинган коммунистлар муайян соҳаларнинг аҳволини тўла ўрганиш билан бирга, ижобий тажрибаларни умумлаштиришлар, резерв ва имкониятларни аниқладилар, мавжуд нуқсонларнинг сабабларини ўргандилар, конкрет таклиф ва мулоҳазаларни олдинга сурдилар.

Йиғилишга олдиндан пухта тайёргарлик кўрилганлиги масалани ишчанлик, принципиаллик вазиятида муҳокама қилиш, коммунистларнинг активлигини ошириш, танқид ва ўз-ўзини танқид асосида камчиликларни очиб ташлаш, конкрет тадбирлар белгилаш учун шароит вужудга келтирди, қарорнинг таъсирчан ва самарадор бўлишини таъминлади.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖОНКУЯРЛАРИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети II пленумининг «КПСС XXIV съезди қарорлари асосида бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини янада яхшилаш чоралари тўғрисида»ги қарори ва колхоз партия ташкилотининг вазифалари ҳақида колхоз партия комитети секретари И. Рўзибоев доклад қилди.

Докладда партия ташкилотининг хўжаликка раҳбарлик фаолияти ҳар томонлама кенг ёритилди, иқтисодий кўрсаткичлар анализ қилинди. Коммунистлар етакчилигида қўлга киритилган ютуқлар, саккизинчи беш йилликнинг якунлари ҳақида конкрет факт ва рақамлар келтирилди.

Ўтган беш йилликда қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи — пахтачиликни ривожлантириш партия ташкилотининг диққат марказида бўлди, ташкилотчилик ва сиёсий иш ана шу мақсадга қаратилди. Натижада пахта етиштириш анча кўпайди. Беш йил мобайнида планда белгиланган 16 минг 130 тонна ўрнига 18 минг 449 тонна пахта етиштирилди. Ҳосилдорлик 1966 йилдаги 33,6 центнердан 1970 йилда 38,8 центнерга кўтарилди.

Бошқа тармоқлар ҳам ривожланди. Беш йилликда 510 центнер ўрнига 600 центнер пилла, 329 тонна ўрнига 335 тонна гўшт, 949 тона ўрнига 1032 тонна сут, 134 минг дона ўрнига 135 минг дона тухум етиштирилди.

Докладда коммунистлар бошчилик қилаётган пешқадам бригадаларнинг муваффақиятлари, цех ва бригада партия ташкилотларининг социалистик мусобақага бошчилик қилишда тўплаган тажрибалари, коммунистларнинг авангардлик роли тўғрисида батафсил гапирилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети II пленуми қарорида таъкидланганидек, бошланғич партия ташкилоти ишининг мазмуни ва савиясини КПСС XXIV съезди илгари сурган юксак талаблар даражасига кўтариш учун ҳали кўп иш қилиниши керак. Колхоз бошланғич партия ташкилоти экономикага чуқурроқ кириб бориши, мавжуд камчиликларни тугатишда қатъият ва ташаббускорлик кўрсатиши зарур.

Бригадаларнинг қарийб ярми бир хил шароитдаги илғор бригадаларга нисбатан гектар бошига 3—4 центнер кам ҳосил оляпти. Мана, пахта етиштиришни кўпайтиришнинг резерви! Пахта терими механизациялаш даражаси паст, ўтган беш йилликда машина терими плани бажарилмади. Бултур ҳар центнер пахтанинг таннархи планда кўзда тутилган 30 сўм 96 тийин ўрнига 34 сўм 30 тийинни ташкил этди.

Саккизинчи беш йилликда қорақўл тери ва жун тайёрлаш планлари бажарилмади. 1179 тонна ўрнига 315 тонна полиз маҳсулотлари, 616 тонна ўрнига 383 тонна сабзавот етиштирилди, холос. Ўтган йили ҳар центнер мол гўшти тайёрлашга пландаги 110 сўм ўрнига 132 сўм қўй гўштининг ҳар центнерига пландаги 36 сўм ўрнига 48 сўм сарф қилинди. Сутнинг таннархи ҳам қиммат бўлди.

Қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини комплекс ривожлантириш, деҳқончилик ва чорвачиликдаги иш жараёнларини механизациялаш, чорвачиликнинг ем-хашак базасини мустаҳкамлаш масалалари докладчи ва сўзга чиққан нотиқларнинг диққат-эътиборида турди. Музокарага чиққан айрим коммунистларни нималар тўлқинлантираётганлигига диққат қилинг.

МЕХАНИЗАТОР Р. ҚОБУЛОВ: — Деҳқончиликни комплекс механизациялаш ҳозирги даврнинг етилган вазифасидир. Давлат қишлоқ хўжалигини техника билан етарли таъминламоқда. Яқинда колхоз янги тракторлар, 2 та тўрт қаторли «Ўзбекистон» машинаси олди, терим машиналари сони 20 тага етди. Пахтани машинада териш плани бажарилмаётганлиги ва жами ҳосилнинг атиги 35 проценти машинада терилаётганлиги учун биз, коммунистлар биринчи галда жавоб беришимиз керак. Нега комплекс механизациялашган бригадалар тузилмайди? Механизатор кадрлар тайёрлаш нега кўнгилдагидек эмас? Техниканинг иш унуми нега паст? Партия ташкилоти қишлоқ хўжалигини комплекс механизациялаш, фан ютуқларини жорий этишда ташаббускор ва етакчи бўлиши, бу ишда коммунистлар шахсий намуна кўрсатишлари зарур.

ФЕРМА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ СЕКРЕТАРИ Р. ЭШМАТОВ: — партия комитети қабул қилинган қарорларнинг аниқ бажарилиши учун охиригача нураш олиб бормаётир. Масалан, чорвачиликнинг аҳволи муҳокама қилиниб, конкрет тадбирлар ишлаб чиқилган эди. Сут-товар фермасига коммунистлардан бир неча киши юборилди. Лекин, уларнинг фаолиятига бефарқ қараламоқда. Фермада меҳнат унумдорлиги паст. Мавжуд иккита сут-товар фермасидан биттаси ҳануз механизациялашмаган. Моллар зотини яхшилаш зарурлиги қарорда таъкидланди. «Ҳолва» дейилди-ю, оғиз чучимади, фермада зотли сигирлар ham. Дағал хашак жамғариш чўзилиб кетяпти. Партком секретари ўртоқ Рўзибоев кўп вақтини далада иш устида ўтказади. Ҳар ҳолда, фермага ҳам тез-тез келиб турса, ишга нафи тегарди...

АГРОНОМ Э. БОБОЖОНОВ: — коммунист меҳнатда, ўқишда ва турмушда авангард бўлиши, ҳамиша яхши намуна кўрсатиши керак. Бизда ўз бурчини муносиб оқлаётган коммунистлар кўп Аммо масъулиятни чуқур ҳис қилмаётган ўртоқлар ҳам йўқ эмас. Масалан механизатор Самандар Жабборов ишда сифатни бузди. Бригада бошлиғи Иброҳим Жабборов ва тракторчи Жаббор Болтаев ичкилик касофати билан интизомсизлик қилдилар. Партия ташкилоти уларни жазолари. Аммо улар билан ёнма-ён ишлаётган коммунистлар нега ўртоқларига бефарқ қарадилар? Коммунист ўзи учунгина эмас, маслакдош ўртоқлари учун ҳам жавоб бериши лозим. Бригадада биров интизомни бузса, бу ҳол шу бригаданинг коммунистларида, барча аъзоларида ташвиш уйготиши лозим. Шундагина умумий иш юришади.

Устахона мудири Б. Тиллаев социалистик мусобақани уюштиришда цех партия ташкилотининг ибратли ишларни қайд қилиб, ўз таклифларини ўртага қўйди: **«Хурмат тахтаси»га кўп марта ёзилган илғорларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, «Фахрий китоб» таъсис қилиш меҳнатни улуғлаш рамзи бўлур эди.** Бригада бошлиғи М. Матназаров, халқ контроли группаси раиси С. Наврўзов пахта ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни кўпайтириш резервлари, тежамкорликка риоя қилиш тадбирлари тўғрисида, ўз мулоҳазаларини баён қилишди.

КИШИЛАРГА ҒАМХЎРЛИКНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК

Қишларнинг турмуш фаровонлигини ошириш тўғрисида ғамхўрлик қилиш Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети II пленуми илгари сурган муҳим вазифалардан биридир. Бунинг сабаби равшан: КПСС XXIV съезди қарорлари совет халқи фаровонлиги ҳақида ленинча ғамхўрлик руҳи билан суғорилган.

Бошланғич партия ташкилоти ва колхоз правлениеси қишлоқ меҳнаткашларининг турмуш фаровонлигини ошириш, уларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш масаласига яқиндан эътибор бермоқдалар. Коллектив хўжаликнинг жамоат бойлиги ошгани сари колхозчиларнинг фаровонлиги юксалиб бормоқда.

Саккизинчи беш йилликда колхознинг умумий даромади планда белгиланган 7 миллион 219 минг сўм ўрнига 8 миллион 656 минг сўмни ташкил этди. Соф даромад 1 миллион 650 минг сўмдан ошди.

Даромаднинг кўпайиши капитал қурилишга кўпроқ маблағ ажратиш учун шароит вужудга келтирди. Беш йилликда қишлоқ қурилишига 878 минг сўм, шу жумладан маданий-маиший қурилишларга 496 минг сўм харж қилинди.

Партия йиғилишида қишлоқ қурилишини жадал давом эттириш, турмуш маданиятини янада юксалтириш юзасидан кўпгина мулоҳазалар ва таклифлар илгари сурилди...

СУВЧИ Р. МАШАРИПОВ: — Тўғри, бизда иккита клуб, бинойидек дала шийпонлари, хуллас маданият муассасалари бор. Аммо, клубда маданий тадбирлар планли ўтказилмайди, дала шийпони ҳувуллаб туради. Ахир, маданият муассасалари хўжакўрсинга қурилмаган-чу. Қатор бригадаларда иссиқ овқат тайёрланмайди. Бу ишларга эътибор бериш вақти келди.

БРИГАДА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ СЕКРЕТАРИ Б. ОРТИҚОВА: — Қишлоқни шаҳар типида қайта қуришни шу беш йилликда тугаллаш учун тўла имконият бор. Янги посёлкаларда колхоз маблағи ҳисобига ун-жойлар қуриш, қурилиш бригадасини малакали биноқорлар билан мустаҳкамлаш зарур, деб ўйлайман. Водопровод ва табиий газ масаласи кандай бўлдийкин? Партком аъзоси, раисимиз ўрток Абдуллаев бу ҳақда гапириб берса керак.

Колхоз правлениесининг раиси О. Абдуллаев бу галги йиғилишда қишлоқ қурилиши ҳақида гапирди. Унинг сўзидан маълум бўлишича, қишлоққа водопровод ва табиий газ ўтказиш яқин вақт ичида амалга оширилади. Лойиҳалар тайёр, маблағ ажратилган.

СИЁСИЙ ИШ — ТАЛАБ ДАРАЖАСИГА

Ташкилотчилик ва идеология ишларини такомиллаштириш, омма ўртасида сиёсий-тарбиявий ишни кучайтириш — бошланғич партия ташкилотларининг муҳим вазифасидир. КПСС XXIV съезди қарорларида, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети II пленумида бу масалага жиддий эътибор берилди.

Партия йиғилишида мавжуд 9 та цех партия ташкилотининг фаолиятидаги ижобий тажрибалар умумлаштирилди. Бу соҳада устахона партия ташкилотининг иши мисолга олинди.

Устахона партия ташкилоти секретари И. Саъдуллаев коммунистларнинг сиёсий тарбиячи сифатидаги ролини оширишда ибратли фаолият кўрсатяпти.

Музокарада қатнашган коммунистлар бошланғич партия ташкилотининг ғоявий-тарбиявий ишини янада кучайтириш, жамоат ташкилотларига раҳбарлигини яхшилаш юзасидан кўпгина мулоҳазаларни айтдилар. Улар орасида қуйидаги нотиқларнинг сўзлари характерлидир.

СУТ СОҒУВЧИ Г. РАҲИМОВА: — Хотин-қиз кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашда жиддий камчиликлар мавжуд. Хотин-қизлар орасидан раҳбарлар кам етишяпти. 14 та пахтачилик бригадасида битта ҳам хотин-қизлардан бошлиқ ёки табелчи йўқ. Хотин-қизлардан механизатор кадрлар, мутахассислар тайёрлаш ҳақида ғамхўрлик қилиш зарур.

КОЛХОЗЧИ Г. ОЛЛАНАЗАРОВА: — Қишлоғимиз қиёфаси ўзгяряпти, коммунистик шаҳарчага айланяпти. Коммунистчасига яшаш, янги анъаналар ва янгича урф-одатларни турмушга сингдириш учун ҳар бир коммунист қунт билан кураш олиб бориши керак. Партия ташкилоти кишиларнинг меҳнати билангина эмас, ахлоқи ва турмуши билан ҳам доимо қизиқиши зарур.

* * *

Йиғилиш қабул қилган қарорда колхоз бошланғич партия ташкилотининг ҳозирги даврдаги жанговар вазифалари конкрет акс эттирилди. Қарор лойиҳасида докладда ва музокаралар жараёнида айтилган янги фикрлар, амалий таклифлар билан тўлдирилди ва бойитилди. Коллектив фикрнинг мақсули бўлган, аниқ мақсадга қаратилган бу қарорни ҳар бир коммунист ўзи учун ҳаракат программаси сифатида қабул қилди.

Колхоз коммунистлари беш йилликнинг улкан режаларини муваффақиятли амалга оширишга, оммани янги, юксак мараларга бошлаб боришга қатъий бел боғлаганлар. Тўқкизинчи беш йилликда 22 минг 400 тонна пахта, 630 центнер пилла, 382 тонна гўшт, 1360 тонна сут етиштириш, сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштиришни бир ярим баравар кўпайтириш, деҳқончилик ва чорвачиликни механизациялаш, алмашлаб экишни жорий этиш — қишлоқ меҳнат аҳлининг қатъий аҳдидир! Шу кунларда пахта далаларида мўл ҳосил тўплаш, чорвачилик фермаларида маҳсулотни кўпайтириш, ем-хашак жамғариш учун қизғин кураш олиб борилмоқда.

Ҳамма жойда коммунистлар курашнинг олдинги сафларида бормоқдалар.

Ф. ЗОҲИДОВ,
«Совет Ўзбекистони»нинг Хоразм область мухбири.

САМИМИЙ ТАЪЗИЯ

«Союз-11» космик кемасининг экипажи — Совет Иттифоқи Қаҳрамони подполковник Г. Т. Добровольский, иккі марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони борт-инженер В. Н. Волков, Совет Иттифоқи Қаҳрамони синовчи инженер В. Н. Пацаев ҳалокати муносабати билан Москвага чет эллардан таъзия билдирилган телеграммалар келиб турибди.

Португалия Коммунистик партиясининг бош секретари Алваро Кунъял, Сурия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси, Мартиника Коммунистик партияси, Гвинея ва Яшил бурун оролларидан мустақиллиги африкаликлар партиясининг бош секретари Амилкар Кабрал телеграмма юборишди.

Қуйидагилар ҳам телеграмма юборишди: Швейцария конфедерациясининг президенти Рудольф Гнеги, Камерун Федератив Республикасининг президенти Амаду Ахижо, Тунис Республикасининг президенти Ҳабиб Бургиба, Либерия президенти У. В. Ш. Табмэн, Бельгия короли Бодуэн, Ливан Республикасининг президенти Сулаймон Франжье, Швеция короли Густав Адольф, Дания короли Фредерик, Конго Халқ Республикасининг президенти майор Мариан Нгуаби, Замбия Республикасининг президенти К. Д. Каунда, АҚШ вице-президенти Сприо Т. Агню, Мексика Қўшма Штатлари президенти Луис Эчеверрия Альварес, Гамбия Республикасининг президенти Жавара, Науру Республикасининг президенти Хэммер де Робарт, Венесуэла Республикасининг президенти Рафаэль Кальдера, Юкори Вольта Республикасининг президенти генерал Сангуле Ламизана, Исландия президенти Кристиаун Эльдаурн, Индонезия Республикасининг президенти генерал Сухарто, Цейлон бош министри Сириманво Р. Д. Бандараная, Иордания Хошимилар короллиги бош министри Васфи Аттелл, Маврикия бош министри Сивусагур Рамгулам, Тунис Республикасининг бош министри Хеди Нуира, Бирма Иттифоқи революцион кенгашининг раиси генерал Не Вин, Польша Халқ Республикаси сеймининг маршали Дизма Галай, Мали миллий озодлик ҳарбий комитетининг раиси, давлат бошлиғи ва ҳукумат раиси лейтенант Мусса Траоре, Яман Халқ Демократик Республикаси президент кенгашининг раиси Салим Али Рубейя, Сомали Олий революцион кенгашининг президенти М. С. Барре.

Колумбия вакиллар палатаси раисининг ўринбосари Хилберто Зарата Изара, Бельгия сенатининг раиси Поль Стрей, Иордания парламенти депутатлар палатасининг раиси Комил Арейкат, Иордания парламенти сенатининг раиси Саид Ал-Муфтий, ЮНЕСКО бош директори Рене Майо, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг космик фазодан тинчлик мақсадларида фойдаланиш комитети юридик кичик комитетининг раиси Э Визнер, халқаро меҳнат бюросининг директори Вильфред Женкс, Кипр Бирлашган демократик марказ иттифоқининг раҳбари Васос Лиссаридис, Ирландия ташқи ишлар министри П. Хиллери, Непал ташқи ишлар министри Г. Ражбхандари, Италия депутатлар палатасининг раиси А. Пертини ҳам таъзия билдирдилар.

Австрия—Совет жамиятидан, «Янги Зеландия—СССР» жамияти, маданий алоқаларни ривожлантириш Хиндистон—Совет жамияти», Квебек—СССР уюшмаси, «Италия—СССР» жамиятининг Милан бўлими, «Норвегия — СССР» жамияти, Рейн-Вестфалия чет эл жамияти, «Мальта—СССР» жамияти, Покистон—Совет маданий жамияти, Цейлон — Совет дўстлиги иттифоқи, «Франция—СССР» жамияти, «Австралия—СССР» жамияти, Япония—Совет алоқалари жамияти, Чет мамлакатлар билан маданий алоқа Япония уюшмаси, Америка — Совет дўстлиги миллий кенгаши, Совет Иттифоқи билан маданий алоқалар Чили институти, Финляндия — Совет Иттифоқи жамияти, «Италия — СССР» жамияти, СССР билан маданий алоқа инглиз жамияти, Германия Федератив Республикаси билан СССР ўртасида муносабатларни ривожлантиришга кўмаклашувчи жамиятдан ва шунингдек чет эллардаги бир қанча матбуот органлари ва айрим кишилардан таъзиялар олинди. (ТАСС).

Қаҳрамонлар ҳақида ҳикоя қиламиз

КОММУНИСТЛАР САРДОРИ

Илья Ивановичнинг ҳаёт йўлини унга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилгани ҳақида СССР Олий Совети Президиумининг Фармони эълон қилингандан бошлаб келган табрик телеграммаларидан ҳам билиб олиш мумкин.

«Астрахань шаҳар балиқчилари меҳнатда эришган ютуқларингиз учув берилган юксак унвон билан табриклаб, Сизга узоқ умр тилайдилар» деб ёзишибди ҳамшаҳарлари. Илья Иванович 1909 йилда Астрахань шаҳрида ишчи оиласида туғилди. У меҳнат фаолиятини шаҳардаги балиқчилик трестида бошлади. Орадан кўп ўтмай, Саратов шаҳридаги коммунистик олий ўқув юртига ўқишга кириб, уни битиргандан кейин, Астрахань областининг Черкасск район комсомол комитетининг секретари бўлиб, сўнгра партия аппаратида ишлади.

Илья Иванович Совет армияси сафида ҳам ўзининг ташкилотчилиги, интизомлилиги билан обрў қозонди. 13 йил сиёсий ходим бўлиб хизмат қилди. Оддий солдатликдан майор даражасигача кўтарилди. Ташкилотчи ва ташаббускор Илья Иванович 1954 йили КПСС Марказий Комитети қузуридаги олий партия мактабини муваффақиятли битирди ва Бўстонлиқ район партия комитетига йўлланма олди.

Астраханлик бу йигитни Ўзбекистон иқлими, туя ўркачли тоғлари, турли бойликлари, зилол сувлари ўзига мафтун қилди. Лекин бу саҳий ерда юқори ҳосил етиштиришдек вазифага раҳбарлик қилишнинг ўзи бўладими?!

Умри одамлар орасида ўтган Илья Иванович омма қалбига тез кира олди. Тоғликлар билан тил топган Илья Иванович беш йилдан кейин Оҳангарон район партия комитетининг биринчи секретарлигига сайланди. Бу ерда яна янги одамлар, ўнлаб саноат корхоналари, ғаллачилик, чорвачилик, мевачилик — хуллас хўжаликнинг турли тармоқлари... Илья Иванович худди мана шу районда туғилиб ўсгандек бу ерда ҳам тезда ишни этагидан тутди. Орадан кўп ўтмай, И. И. Ладушкин Юқори Чирчиқ район партия комитетининг биринчи секретарлигига сайланди.

Партия раҳбарининг фикр доираси кенг бўлиши — кўп нарсани билиши керак. Ўшандагина одамларга сиёсий етакчи — ишбоши бўла олади, уларни янгидан-янги марраларни эгаллашга ундай олади. Қишлоқ хўжалиги, саноат, савдо, транспорт... айниқса техника экинлари етиштириш кўп билим ва тажриба талаб қилади. Илья Иванович учун каноп экини янгилик эди. Бу ерда 8 минг гектарда пахта. 7096 гектарда каноп етиштирилади, бир неча саноат корхонаси, муассасалар мавжуд. Район аҳолисининг сони эса 100 мингдан ошиқ, 20 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди.

Бу ерда ҳам Илья Иванович дадил ишга киришди. У район партия комитетининг биринчи бюро мажлисидаёқ иштирок этган хўжалик раҳбарларида ажойиб таассурот қолдирди. Районда шундай катта активнинг борлиги эса райком секретарини ҳаяжонлантириб юборди. У кекса пахта устаси, «Правда» колхозининг раиси Иван Антонович Цой, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати, маккажўхори шайдоси Лоба Ли, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Дмитрий Ким ва бошқа турли соҳалар бўйича катта тажрибага эга бўлган мутахассислар билан танишиб, кўп нарсани ўрганди. Партия активлари ва кенг жамоатчилик билан бамаслаҳат иш тутди.

Бир томони Тошкент, иккинчи томони Чирчиқ шаҳри билан чегарадош Юқори Чирчиқ районининг 43.500 гектар экин майдони Чотқол тоғларига бориб тақалади. Белоён пахта далаларидан сўнг кўзни қамаштирадиган яшил канопзорлар, олмазорлар, узумзорлар бошланади.

Илья Иванович ўзи секретарлик қилган районларни бу ердаги хўжаликлар билан солиштириб, орада катта фарқ борлигини билди.

Юқори Чирчиқ районининг экин майдонлари қоратупроқ, ҳосилдор Колхоз мутахассислари колхозчилар ернинг сирини билишади. Фақат бу ерда обҳаво бошқа жойларга нисбатан 10-12 кунга фарқ қилиши секретарни ранжитгандай бўлди. Айниқса, пилла қуртини боқиш ўнгай бўлмаса керак, деди.

1964 йилнинг қишида бу ерга ишга келган райком секретари экиш мавсуми бошлангунча район хўжаликларида бўлиб, ишнинг аҳволи билан яқиндан танишиб чиқди.

Райондаги бир йиғинда И. Ладушкин сўзга чиқиб:

— **Ҳозирги вактда биз учун қишлоқ хўжалик маҳсулотларини давлатга сотиш планини бажаришнинг ўзи кифоя эмас. Бундан кейин ҳамма техника экинларнинг таннархини камайтириш, ер структурасини яхшилаш, алмашлаб экиш, ирригация ва мелиорация ишларини талаб даражасида йўлга қўйиш асосий вазифа бўлиб қолиши керак,** — деди. Район активлари секретарнинг бу фикрини тўлатўкис қувватладилар.

«Политотдел». Свердлов номли, «Ленинский путь», «Правда» колхозларида пахтадан юқори ҳосил етиштириш билан бирга экинларнинг таннархи ўтган йилларга нисбатан 1—1,5 марта камайтирилди. Айниқса, Терентий Васильевич Ким раислик қилган «Ленинский путь» колхози пахтани машина билан тергани туфайли йиғим-терим ишларини районда биринчи бўлиб бажарди. Районда қолоқ хўжаликлардан ҳисобланган бу колхоз 2—3 йилда ўзини ўнглаб, илғорлар қаторидан ўрин олди.

Даромад кўпайгач, қурилиш авж олди. Мактаб, шифохоналар, дорихона, маданият саройлари қад кўтарди. Колхознинг механизация парки бошқа хўжаликларга намуна бўлиб қолди. Колхоз қишлоқ ободончилиги бўйича ўтказилган Бутииттифоқ кўригида диплом олди. Колхознинг қисқа муддатда рентабелли хўжаликка айланганини Илья Иванович кадрларни тўғри танлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйиш борасидаги олиб борилаётган ишнинг дастлабки самараси деб баҳолади.

Маълумки, партиявий иш — иқтидорли иш. У изланишни, ўқиш, ўрганишни, илғор тажрибаларни кенг пропаганда қилишни талаб қилади. Буни яхши тушунган райком секретари тинмай-тинчимади. Ҳар бир коммунист ўзи ишлаган жойда из қолдириши керак деган принципга амал қилди. Қисқа вақт ичида гидротехника иншоотлари қурилиши ишлари йўлга қўйилиб, бундай иншоотлардан 120 таси ишга туширилди. 1140 гектар экин майдони капитал текисланди. Ер ости сувлари дренаж қудуқлари ва ҳар бир колхозда 40—60 километр масофада қазилган зовурлар орқали қуритилди. Бу эса ҳосилдорликни ошириш имконини берди.

Районда хўжаликнинг бошқа тармоқлари бўйича ҳам катта ютуқлар қўлга киритилди. Айниқса, қишлоқларнинг қиёфаси ўзгариб кетди. Замонавий қишлоқ ва поселкалар барпо этилди. Ҳар бир хонадон газлаштирилди, водопроводдан сув ичадиган бўлди. Электрлаштирилмаган, радиоприёмник ва телевизори бўлмаган хонадон қолмади. Ҳар бир колхоз ўз агрономи, инженери, ўқитувчиси, шифокорига эга. Колхоз аъзоларининг ярмидан кўпи ўрта ва тўлиқсиз ўрта маълумотли. Ҳар бир участкада 10 йиллик мактаб, кинотеатр, ҳаммом, ҳар бир бригадада болалар боғчаси, дала шийпонининг бўлиши колхозчиларнинг меҳнат унумини оширмоқда.

— **Районимизнинг ташкил этилганига 43 йил бўлибди. Шу орада район партия комитетининг секретарлиги лавозимида 15 га яқин киши ишлади, — дейишади кекса коммунистлар. — Принципиал, талабчан, билимдон ташкилотчи, янгиликка ўчликда унга тенг келадигани кам. У ҳар қандай майда ишга ҳам давлат, партия манфаати нуқтаи назаридан қарайди. Камтарлиги ва меҳнатсеварлиги, ташкилотчилиги ва кишиларга меҳрибонлиги билан обрў топди. Инсонни қадрлай билиши, топширилган вазифаларнинг натижаси билан қизиқиши, коллегиал иш олиб бориши ўртоқ Ладушкининг обрўсини оширмоқда.**

Р. ИСҲОҚОВ.

ҲАМ ПАХТА, ҲАМ ГЎШТ!

Баланд бўйли, елкадор бу одам кишини дарров ўзига жалб этади. Борди-ю, у билан суҳбатлашгудай бўлсангиз, ўзига бутунлай мафтун қилади қўяди. У жуда берилиб, мароқ билан сўзлайди. Шошилмай гапирар экан, ўткир кўзларини суҳбатдошидан узмайди.

Бизнинг суҳбатимиз бугунги кунда совет кишилари учун энг муҳим мавзу — КПСС XXIV съезди ва Ўзбекистон Компартияси XVIII съезди қарорлари устида, бу қарорлар Фарғона область Охунбобоев районидаги «Оқ олтин» колхозида қандай бажарилаётгани ҳақида борарди. Суҳбатдошим — колхоз раиси Абдуҳамид Эгамбердиевнинг сўзларидан унинг съезд Директиваларини устида жиддий бош қотиргани кўриниб турибди. У колхоз активи билан янги резервларни излаб, кўп тармоқли хўжаликни янада ривожлантириш йўлларини коллектив билан бамаслаҳат белгилаб олибди.

— Энг муҳими — аниқ, пухта ўйлаб кўрилган истиқбол планини ишлаб чиқишдир — дейди раис. — Агар планда бор имкониятлардан тўла фойдаланиш кўзда тутилса ва уни бажариш учун курашга колхознинг ҳар бир аъзоси актив қўшилса, ютуқ бизники деяверинг. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг партия XXIV съездида айтган гапларини ҳар биримиз яхши эслаймиз. У ҳисобот докладида планларимизнинг бажарилиши ҳар биримизнинг меҳнатимизга, тартиб ва интизомимизга, ишни бошқара олишимизга ва изчиллигимизга боғлиқдир, дея таъкидлаган эди.

У қаламини қоғоз устида юргиза кетди. Бирпасда ўнлаб кўп хонали рақамлар саф тортди. Уларни аввал қўшди, сўнг бўлди... Гектарлар, тонналар, процентлар юзага келди. Абдуҳамид Эгамбердиев мулоҳазали, саронжом-саришта раҳбар. У ҳар бир сўмдан ўз ўрнида ва расамади билан фойдаланади.

— Эсингизда бўлса керак, ўртоқ Брежнев июль Пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисида гапирган эди. — Раис ўйчанлик билан ён дафтарчасини варақлай бошлади. — Биз коллективни ана шу вазифаларга садоқат руҳида тарбиялаяпмиз. Маҳсулот тайёрлаш ва топшириш плани хўжалик раҳбари учун, ҳар бир колхозчи учун қонундир, Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини давлатга сотиш топшириқларини бажаришни ўзимизнинг асосий бурчимиз деб ҳисоблаймиз.

Ҳа, «Оқ олтин» колхозида пахта гўрисида қайғуриш биринчи даражали вазифа, ҳар бир меҳнаткашнинг ҳаёт қонуни бўлиб қолиши учун интилмоқдалар. Бу ерда ҳар бир киши пахтага чуқур меҳр, унинг ҳосилини оширишга юксак фахр ва масъулият руҳида тарбияланмоқда. Бу умумхалқ ишидан бирор киши ҳам четда қолаётгани йўқ.

Колхознинг пахта майдонларида ҳосилдорлик йил сайин ошиб боряпти. Агар 1960 йилда хўжаликда гектаридан 19 центнердан ҳосил олинган бўлса, 1970 йилга келиб 1440 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 27,2 центнердан пахта хирмони кўтарилди.

— Саккизинчи беш йилликнинг якуни бизда ана шундай, — жилмайиб қўйди раис. — Биз Ленин юбилейини ана шундай ютуқлар билан кутиб олдик.

Колхознинг тўққизинчи беш йилликка мўлжалланган планлари қандай? Пахта ҳосилдорлигини янада ошириш учун қандай тадбирлар кўриляпти?

— Хўжаликни ривожлантиришнинг икки йўли бор, — деди Абдуҳамид ака— булар интенсивлаш ва экстенсивлашдан иборат. Биз бу йўлларнинг ҳар иккаласидан ҳам қўлланамиз, лекин асосий диққат-эътиборни биринчисига қаратган ҳолда иш кўрамиз. Колхозчиларимиз Сирдарёдаги «Ленинград» колхози ташаббусини қизғин қувватлаб чиқдилар...

Раис ўз фикрини рақамлар, мисоллар ёрдамида тушунтира бошлади. Баҳорда, деди у, пахта учун Марказий Фарғонадан 80 гектар қўриқ ер ўзлаштириб олдик. Бу ер биринчи йилнинг ўзидаёқ яхшилаб парвариш қилинса, 160 тоннага яқин «оқ олтин» бериши мумкин. Бундан ташқари, колхоз мутахассислари ҳисоблаб чиқиб, аввалдан экилиб келинаётган ерларда пахта ҳосилини яна 3 центнер ошириш мумкинлигини аниқладилар. Бу ўринда илғор агротехника, комплекс механизация ва илғорлар тажрибасини қўлланиш жуда қўл келмоқда.

Хўжаликда ўғитлардан йил сайин кўпроқ фойдаланилмоқда. Агар бундан ўн йил муқаддам ерга 2340 тонна маҳаллий ва 2845 тонна минерал ўғит солинган бўлса, бу йил фақат маҳаллий ўғитнинг ўзидангина 9450 тонна солинади. Натижада фақат ҳосилдорликни ошириш туфайли планга қўшимча равишда яна 400 тоннага яқин пахта олиш мумкин бўлади.

— Тўққизинчи беш йилликнинг биринчи йилида, — дейди Абдуҳамид ака, — биз 28 центнердан ҳосил кўтариш ва давлатга 4000 тонна «оқ олтин» топшириш мажбуриятини олдик. Ана шу ҳосилнинг тўртдан бир қисми машиналар ёрдамида териб олинади. Тўққизинчи беш йиллик давомида саккизинчи беш йилликда олинган 18430 тонна ўрнига хўжалигимиз 20 минг тонна пахта тайёрлайди ва пахтачиликда олинаётган даромад 7540 минг сўмдан 8300 минг сўмгача кўпаяди.

Колхозда пахта экиладиган майдонларни йириклаштириш борасида ҳам кўпгина ишлар амалга ошириляпти. Илгари карталар ичига тартибсиз ҳолда экилган тут дарахтлари комплекс механизацияни кенг жорий этишга имкон бермасди. Энди эса иш бутунлай бошқача. Колхозчилар минглаб тут ниҳолларини йўл ёқаларига, ариқ бўйларига экишмоқда. Машина ва тракторларга ҳалақит бераётган эски дарахтлар эса ковлаб олинмоқда. Карталар кенгайиб бормоқда. Энди техника бемалол айланиши мумкин! Бу эса пахтачиликка сарфланаётган меҳнатни озайтиради, пахтанинг таннархини камайтиради. колхознинг даромадини оширади.

— Бизнинг шиоримиз «ҳам пахта, ҳам гўшт» — дейди Абдуҳамид Эгамбердиев.—Партия съезди чорвачиликни тубдан яхшилаш масаласини қўйди. Шунинг учун ҳам биз чорва молларининг маҳсулдорлигини, қорамол ва товуқларни ҳамма турларининг сонини кўпайтиришга эришмоқдамиз.

Раис яна қаламини қоғоз устида юрита бошлади. Яна янги рақамлар саф тортди... 1975 йилда сут-товар фермасида 860 бош қорамол бўлади. Колхоз отарларида 5100 бош қўй боқилади. Товуқлар сони эса 600 мингдан ошади. Шу йилнинг биринчи кварталидаёқ колхоз давлатга 74 тонна, йиллик пландан 3 тонна зиёд гўшт топширди. Шуни ҳам айтиш керакки, қушхоналарга белгиланганидан анча кам мол жўнатилди. Чунки колхозда моллар тезкор усулда сўқимга боқилмоқда. Моллар шундай усулда боқилганида 18 ойлик новвос 300 ўрнига 350 килограммдан гўшт бермоқда.

Хўжаликда сут етиштиришга ҳам катта эътибор беряляпти. Бултур колхоз сут соғувчилари ҳам бир бош сигирдан 1800 килограммдан сут соғиб олиб, областда биринчи ўринни эгалладилар. Эндиликда улар 2200 килограммдан сут соғиш мажбуриятини олишган. Ҳисоб-китобларга кўра бу йил колхоз 550 тоннага яқин, яъни пландан ташқари 100 тонна кўп сут сотади.

Чорвачиликни ривожлантиришнинг энг муҳим шарти — мустаҳкам озуқа базаси ҳисобланади. Бунинг учун колхозда катта ишлар қилиняпти.

— Бизда бир ярим йилга етадиган озуқа жамғариб қўйилган, — таъкидлайди бош зоотехник Алижон Турғунов,— Энди биз учун ҳеч қандай тасодифлар чўт эмас.

Бу йил қишга планлаштирилган 2400 тонна ўрнига 3000 тоннадан зиёд силос бостирилади. Шунингдек, 1900 тонна дағал хашак тайёрланади. Бундан ташқари, 800-1000 тонна озуқабоп лавлаги, 200 тонна ошқовоқ жамғариш белгиланди. Ем-хашак тайёрлашни кеч кузгача давом эттириш кўзда тутилмоқда. Ана шу муҳим иш билан 50 кишидан иборат Умар Йўлдошев ва Одил Усмонов бошлиқ махсус ем-хашак тайёрловчи бригадалар шуғулланмоқда.

Колхозда чорвачилик маҳсулотлари тайёрлашни кўпайтиришнинг янги-янги йўллари қидириб топилмоқда. Биринчидан, келаси йили қорамолларни, шу жумладан соғиладиган сигирлар бош сонини 200 дан 260 бошгача кўпайтириш кўзда тутилган. Қўйлар туёғини ҳам анча кўпайтириш мўлжалланяпти.

Даромаднинг муттасил ошиб бориши колхозда маданий-маиший хизматни яхшилаш, уй-жой қурилишини кўпайтириш, колхозчилар турмушини янада фаровон қилиш имконини бермоқда. Ана шу даромадлар эвазига 3 та мактаб, маиший комбинат, иккита туғруқхона, кўплаб уй-жой қурилди ва 40 километрли йўлга асфальт ётқизилди... Яқин йиллар ичида колхозда мактабнинг янги биноси, болалар яслиси ва бошқа маданий-маиший бинолар қуриш кўзда тутилмоқда.

Суҳбатимиз ярим кечагача давом этди. Хонадонларда Ильич чироқлари порлади. Уфққача чўзилган бу чироқлар юлдузлар билан қўшилиб кетгандай эди.

А. АГИШЕВ.



Сиз ушбу суратда Москва шаҳрининг маркази бўлган Сокольники районининг макетини кўриб турибсиз. Унинг лойиҳасини «Моспроект-1» ходимлари таклиф этишяпти. Бу ерда қурилиши керак бўлган бинолар билан бир қаторда темир йўлчилар Маданият Саройи ва меҳмонхона ҳам қад кўтаради.

А. Стужин фотоси. (ТАСС).

АХБОРОТ
КЕЧАГИ ПОЧТАДАН

ФАХРЛИ САФАР

Вокзал ҳар кундагидек одамлар билан гавжум. Биров кўзлаган манзилига ошиқса, бошқасининг серқуёш ўлкамиз пойтахтида меҳмон бўлиш орзуси бор. Моҳир машинист А. Филатов бундай йўловчиларнинг озмунчасини муродига етказмади дейсиз?!

Енгил шабада эсиб турган тонг паллада «Ўзбекистон» поезди перронга оҳиста келиб тўхтади. Машинист «Стрела» тепловози кабинасидан тушаркан, танишбилишлар, ёру-дўстлар уни даврага олишди. «Москва — Тошкент» маршрути Филатовнинг сўнгги рейси — фахрли сафари эди. 55 баҳорни кўрган пўлат от сувориси энди кексалик гаштини сурадиган бўлди. Тепловозни эса, устози билан қанчадан-қанча йўлни биргаликда босган шогирд Олим Тўлаганов бошқаради.

ФАРОВОНЛИК МЕЗОНИ

Турмушимиз даражаси кўп жиҳатлар билан бирга омонат кассалар хизматидан фойдаланиш, 3 процентли ички ютуқли давлат заёмлари ва пул-буюм лотереяларига бўлган қизиқишда ҳам кўринади.

Бугунги кунда республикамизда яшаб турган ҳар 6 кишининг бири омонат кассалардан фойдаланмоқда. Сўнгги беш йил ичида ўз жамғармаларини давлат кассаларида сақлаётганлар сафи уч марта, кассалар сони 212 тага ортди. Ўтган йилнинг ўзида юзлаб кишилар заём ютуқлари бўйича қарийб 4.500 минг сўмлик фойда кўрдилар. Лотерея ютуқларининг сони аввалги йилгига нисбатан икки баравар кўпроқ.

ЎРТА ОСИЁДА БИРИНЧИ

Самолётлар парвози учун об-ҳаво бюросининг маълумотларини кутиб ўтиришга ҳожат қолмайдиган бўлди. Тошкентда «МРЛ-1» метерологик радиолокаторини тиклаш ишлари бошлаб юборилди. Ўрта Осиё ва Қозоғистонда биринчи марта қад кўтараётган бу қурилма об-ҳавонинг тезкор «разведкачиси» ролини ўтайди. Аппарат товушдан тез учар ҳаво лайнерларининг парвози учун 10-15 минут ичида «йўлнинг авзойи» ҳақида аниқ маълумот беролади. Янги аппарат синоптикларга шамолнинг тезлиги, булутлар ҳаракатини белгилаш имконини беради.

Мазкур аппаратнинг иккинчиси — мукаммалроғи ҳам ўлкамиз пойтахтидаги янги беш қаватли бино томига ўрнатилади.

А. САИДОВ.

ШИФОКОР МИНБАРИ

ЁЗ ЧИЛЛАСИ

Ўзбекистон ва унинг жанубий областлари экваторга яқинлиги билан характерлидир. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда шимолий районларга кўра ёз чилласи хийла иссиқ келади. Июль ойида ва август ойининг бошларида ҳарорат вақти-вақти билан 40-42 даражага етади. Бунинг устига йирик шаҳарларда ҳарорат яна шундан 1-1,5даража юқори бўлади. Бунга сабаб темир-бетон, асфальт оташ нафас чиқаради.

Қуёш нурлари ва ҳарорат ҳаёт, умуман, табиат учун ниҳоятда фойдалидир. Шунинг учун ҳам мевалар қиёмига етиб пишади, ердан зах ва нам кўтарилади. Микроблар ҳалок бўлади. Донолар «Қуёш тушган ҳовлига шифокор кирмайди» деб бежиз айтишмайди. Н. И. Подвойский «кабинетсиз ва дипломсиз, афишасиз ва муҳрсиз, ва яна бепул даволайдиган пролетар шифокор — бу қуёшдир» деган эди.

Дарҳақиқат, офтоб билан ошно кишининг бронза териси, чиниққан бадани ўтакетган ҳаётчан бўлиб, арзимаган касалликларга дучор бўлавермайди. Бод касали, сил нари юради. Буйрак касали табиий шифо топади.

Ҳар нарсанинг меъёри бўлганидек, ташқи ҳароратнинг ҳам ўлчови бўлиши керак, албатта.

Маълумки, одам организмининг ҳарорати 36,5 даража атрофида бўлади. Агар ташқи ҳарорат ундан юқори бўлса (40-42), демак одам чор-ночор исий бошлайди. Бинобарин, киши ўзини ноқулай сезади: бўшашади, боши оғрийди, совуқ тер босади, тез-тез нафас олади, оғзи қуриб, ташна бўлади. Борди-ю, одамни офтоб урса, у қайт қилиши, ҳушидан кетиши мумкин. Профессор З. Умидованинг айтишича, офтоб урганда юрак ва томирлар ноқобиллигига хос аломатлар содир бўлади...

Киши организми жуда қизиқ яратилган. Унинг ҳаётбахш сирларидан бири-иссиқ ажратишидир. Олимларнинг айтишларича, агар киши ўзидан иссиқ чиқармаганда эди, 40 соатда бадан қайнаш даражасига кўтарилган бўларди.

Тажрибалар шуни кўрсатадики, нормал ҳолатда киши баданидан ҳавога чиқадиган иссиқликнинг қарийб 65 процент тери орқали, 27 проценти нафас йўллари орқали чиқади ва 8 проценти бошқа воситалар йўли билан сарф бўлади. Шунинг учун ҳам ёзги иссиқ пайтларда энг қулай кийимлар кийилади; устки кийим енгил ва кенг, юмшоқ ва оқ тусда бўлиб, кишининг исиб кетишига йўл қўймайди. Шу жиҳатдан оддий матодан тикилган кийим мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари, у терни ўзига шимиб олади. Бошни ва юзни қуёш нурларининг тикка тушишидан сақлаш катта аҳамиятга эга. Қора кўзойнак кўз қувватини асрайди: пешона ва кўз атрофини тарғин ажин босишидан сақлайди. Кўз ойнак жуда қора бўлмаслиги, сал хира ва рангли бўлиши керак.

Ёзда ташналикни қондириш катта роль ўйнайди. Чанқаган кишининг бадани кўп тер чиқарганидан қон, хўжайра ва тўқималарнинг қисман қуюқлашувига сабаб бўлади. Ваҳолонки, қоннинг 83 процентини, мия, юрак, жигар ва мушакларнинг 70-80 процентини, суякларнинг эса 15-20 процентини сув ташкил қилади. Демак, терлаб туриш билан бирга органларда сув миқдорини доимо сақлаб туриш катта аҳамиятга эга. Бунинг учун киши бир кунда тахминан 2,5-3 литр сув ичса кифоя. Сувнинг кўп миқдори суюқ овқатлар орқали истеъмол қилинади. Сув ичишда бу ҳолни ҳам ҳисобга олиш зарур. Бундан ташқари, кўкатларнинг 96 проценти, картошканинг эса 75 проценти сувдан иборат.

Сувни меъёридан кўп ва тез-тез ичиб туриш асло ярамайди. Чунки сувни ўзлаштириш ва ташқарига чиқариш учун юрак анча куч сарф қилади. Шунинг учун кўп сув ичган одам бўшашиб кетади. Чанқовни босишда, айниқса, кўк чой фойдалидир. Унинг таркибида юрак ишини режаловчи дори (кофеин) бор. Жуда иссиқ ёки совуқ ичимликлар инсон саломатлиги учун хатарлидир.

Ёзда нонушта ва тушки овқат кишини чанқатадиган бўлмаслиги керак. Тушки овқат учун айниқса, ота-боболаримиз севиб ичадиган серқатиқ яхна мошхўрда, аччиқчучук ва мева шарбатлари мақсадга мувофиқдир. Чанқов қондириш учун нордон шарбатлар (лимон, мандарин, помидор, олча ва олчали шарбатлар) айни муддаодир. Масалан, томат шарбати витаминлардан «А» (каротин), «С» (аскарбин кислотаси) ва «РР» (никотин кислотаси)ларга жуда бойдир. Бу шарбат милк, томир, кўз ва терини мустаҳкамлайди, организмнинг касалликларга бардош ҳусусиятини оширади, кишини юқумли касалликлардан, гўшт (экзема), ангина, юқори нафас олиш йўлларининг яллиғланишидан сақлайди. Мандарин, наъматак, лимон, анор, ўрик, олча шарбатлари ва шунингдек, қизил сабзи ҳам шу хосиятлардан холи эмас. Ҳўл мевалар кишини тутоқтирмайди, бинобарин, одам чанқамайди ҳам. Қимиз ва мороженое ҳам шифобахш ичимлик бўлибгина қолмай, балки чанқовни қондириш, овқатни ҳазм қилдириш хусусиятларига ҳам эгадир. Квас эса бадандан йўқолган намликнинг ўрнини босади. Ундаги ачитқи, умуман, организм учун фойдалидир. Чанқов қондириш баҳонаси билан баъзи одамлар пиво ичишга одатланиб қолишади. Кўп ва тез-тез ичилиб турган пиво юрак деворларини кенгайтириб, кўкрак қафасини қисиб қўяди. Бундай катта, шишиб кетган юракни шифокорлар «пиволи юрак» дейдилар.

Ёзда тўғри дам олиш катта аҳамиятга эга. Одам психикасига табиий таъсир этувчи қувноқ машғулотлар бўлиши керак. Волейбол, футбол, городки ўйнаш, сайр, қилиш, баландликка, тоғларга кўтарилиш, ювиниш, чўмилиш, рақсга тушиш, сув сепиш ва экинларни суғориш шулар жумласидандир.

Маълумки, ёзда меҳнат қилган киши иссиқни сезмайди. Ҳаракатсиз киши эса, аксинча, исиб кетади, ҳаво дим туюлади. Кечқурунлари майдон ва хиёбонларда, боғда ва кўллар бўйида бекаму-кўст дам олиш мумкин.

Дам олиш кунлари саёҳатга чиқиш, кўкаламзорда, дарё бўйлари, тоғ ва шаршаралар бағрида ҳордиқ чиқариш кишига, жисмонан ва руҳан осойишталик бахш этадики, унинг лаззати, таъсир кучи анча сақланади.

Ёз чилласи иссиқ. Шу билан бирга ёз ойларидек саҳий ва кўркам фасл йўқ. У бизнинг оромимиз, ҳаётимиз мазмунини белгиловчи муҳим омил.

З. ЭГАМБЕРДИЕВ,
медицина фанлари кандидати.

РЕСПУБЛИКА МАДАНИЯТ МИНИСТРЛИГИ ДИҚҚАТИГА

БИР ТЕАТР МУАММОЛАРИ

Сирдарё область Ўзбек давлат драма театри 1964 йилнинг охирларида ташкил топган эди. Шу давр ичида театр коллективи 33 та постановка қўйди. Бу спектаклларни 600 минг томошабин кўрди. Театрнинг молиявий ва томошабинларга хизмат кўрсатиш планлари асосан бажарилиб келиняпти.

«Беш кунлик куёв», «Алданган қиз», «Чўл осмони остида», «Ҳолига вой», «Қилмиш-қидирмиш», «Тун ва кун қиссаси» каби спектакллар ҳаётга йўлланмани мана шу театрдан олди. Булар, шубҳасиз театр коллективи ижодий изланишда, томошабинларни хушнуд этиш ва уларга катта маданий хизмат кўрсатишда жиддий иш олиб бораётганидан далолат беради.

Театр санъаткорлари чўлқуварларгагина эмас, қўшни область ва қардош республикаларнинг меҳнаткашларига ҳам маданий хизмат кўрсатмоқдалар. Қозоғистон ва Тожикистон республикаларидан олиб келинган кўплаб «Фахрий ёрлиқлар» катта меҳнатга берилган юксак баҳодир. Бундан ташқари, театр коллективи областдаги бадиий ҳаваскорлар ва халқ театри коллективига катта оталиқ кўмагини кўрсатишмоқда.

Бироқ театр ишида ҳали жиддий камчиликлар мавжуд. Бу камчиликлар нималардан иборат?

Биринчидан, театр область территориясининг бир четида, Жиззах районида эски бинода жойлашган. Театр биноси талабга мутлако жавоб бермайди. Унда ижодий иш учун қулай шароит йўқ. Томошабинлар зали ҳам, саҳна деб аталмиш жой ҳам жуда тор. Саҳнанинг эни 6 метр, бунинг устига, конус шаклида. Бунинг оқибатида спектакллар оддий усулда жиҳозланади. Мазкур саҳна актёр ва режиссерларга бор имкониятлардан тўлароқ фойдаланишга шароит бермайди. Бу эса ўз навбатида ёркин саҳна образларини ҳамда ғоявий-бадиий юксак спектакллар яратиш имконини бермайди. Классик ва ҳозирги замон драматургиясининг энг йирик дурдоналари бу ерда саҳналаштирилмаётганининг боиси ҳам ана шунда.

Анчагина меҳнат ва маблағ сарфлаб саҳналаштирилган спектакллар кўп ҳолларда бу театр биносида 3—4 марта қўйилади. Чунки, театр колхоз территориясида, доимий томошабинлари жуда озчиликни ташкил қилади. Бунинг оқибатида театр катта моддий зарар кўрмоқда.

Театрда кадрлар қўнимсизлиги авж олиб кетган. Театр ташкил этилган йили атиги беш нафар олий маълумотли артист бу ерга йўлланма олиб келган эди. Уларнинг кўпчилиги ҳозир ишламайди. 1964 йилдан бошлаб 1971 йилнинг май ойига қадар бу театрга 93 киши келиб-кетди. Ҳозирги кунда ижодий коллективда штат бўйича 21 киши етишмайди. Саҳналаштирувчи рассом, постановкачи режиссёр, дирижёр, балетмейстер, концертмейстер каби мутахассислар йўқ.

Театр коллективини маҳаллий кадрлар билан мустаҳкамлаш соҳасида ҳам етарли иш қилинмаётир. Район маданият бўлимининг ходимлари эр-хотин Носир ва Шоҳсанам Рашидовлар область театрига тортилиши лозим бўлган қобилиятли санъаткорлар ҳисобланадилар. Лекин улар бу ерга келишга хоҳиш билдирмаётирлар. Сабаби, театрдаги шароит уларга тўғри келмас эмиш. Бундан ташқари, улар район маданият бўлими ходимлари ниқоби остида тўйларда «холис хизмат» қилаётирлар.

Жиззах шаҳрида ва районда мутахассислиги санъаткор бўлган турли олий ўқув юртлари ва профессионал билим юртларини тамомлаганлар анчагина. Улар бошқа касбларда ёки мактаб ва техникумларда ишлашади. Кўпчилиги бу театрнинг «тузи»ни бирмунча татиб ҳам кўрганлар.

— Шароитимиз оғир. Биз меҳнат фаолиятимизнинг 90 процентини йўлда ўтказамиз. Даромадимизнинг асосий қисмини концерт программаларидан оламиз. Бунга ҳар ким ҳам бардош бера олмайди, — дейди театр директори Асадулла Файзуллаев.

Ҳақиқатан ҳам шундай. Бундай ҳисоб-китоб қилинса, театр коллективи икки йилда бир марта қайта янгиланмоқда, янги театр коллективи пайдо бўлмоқда. Бундай ҳолда томошабинларнинг кун сайин ўсиб бораётган эстетик талабларини қондириб бўлармиди? Албатта йўқ!

Республика ва область ўт ўчирувчиларининг вакиллари театр биноси ёнғиннинг олдини олишга мутлақо мослаштирилмаганини қайд этиб, театр дирекциясига катта талаблар қўйдилар. Бу талаблар тўлиқ бажарилмагач, театр эшигига «қулф» солинди. Бир ярим ой ўтгач, театр яна очилди. Лекин ҳали ҳам ўт ўчирувчилар вакилларининг талаблари тўла-тўкис бажарилгани йўқ.

Театр область марказидан анча узоқда бўлганлиги сабабли янги спектаклларнинг премьераларига бу соҳанинг мутахассислари кам иштирок этишади. Баъзан театр коллективининг ўзи «ўз маҳсулини» қабул қилади.

Бир-икки сўз маҳаллий ташкилотлар диққатига. Театр бошланғич партия ташкилотининг иш фаолияти олти йил мобайнида район партия комитетида атиги бир марта муҳокама қилинган. Маҳаллий партия ва Совет ташкилотлари моддий ва маънавий ёрдам кўрсатишда етарли иш қилмаётир. Биргина факт келтирамиз. 1968 йилнинг 25 ноябрь куни театр директори алоқа бўлимининг бошлиғи М. В. Тришкинга бир телефон аппарати тез-тез бузилиб тургани, иккинчиси номаълум сабабларга кўра батамом узиб ташлангани ҳақида хат ёзиб ёрдам сўрайди. Бу илтимосга жавоб бўлмайди. Орадан мана уч йилча ўтяпти, телефон аппаратини қайта ўрнатиш ҳақида шаҳар ижроия комитетига, область алоқа бўлими бошлиғига кўплаб хатлар ёзилди ва илтимослар қилинди. Бироқ, ҳеч ким уларнинг «доди»га қулоқ солмаётир. Маълумки, театр дирекцияси бир бинода-ю, бухгалтерияси ундан анча узоқдаги бошқа бинода.

Умуман олганда, бу театр ҳаётида ечилмаган ва ечилиши лозим бўлган муаммолар, масалалар жуда кўп. Республика Маданият министрлиги, маҳаллий ташкилотлар театр ҳаёти билан жиддий қизиқишлари, ижодий коллективга яқиндан ёрдам беришлари керак.

Т. ЖАМОЛОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

АЖАБ САВДОЛАР

ҲАЙРОН БЎЛМАНГ

Шербек ўз гражданлик бурчини ҳалол ўтаб, қадрдон қишлоғини, қариндош-уруғларини соғиниб қайтди. Косонга келиши биланоқ, ёр-дўстлари тўпланишди. Шербек эса ҳаммани сайрга таклиф қилди. Яна район марказини айланди. Янги уйлар, чиройли иморатлар қад кўтарибди. Янги экилган дарахтлар икки йил ичида кўкка бўй чўзибди. Лекин кенг экранли кинотеатрни кўрмоқчи бўлган Шербек ўз кўзларига ишонмади. Ўша пойдевор қаққайиб турарди.

Шербек ажабланмаса ҳам бўлади. Бу йил Косон район марказида кенг экранли кино-театр пойдевори тиклангантга уч йил бўлди. Бу қурилишга 158 минг сўм маблағ ажратилган. Қашқадарё область 19-қишлоқ қурилиш трестининг Г. Файзиев бошчилигидаги 28-механизациялашган кўчма колоннаси бу маблағнинг бешдан бирини ҳам ўзлаштиргани йўқ. Кўчма колонна раҳбарлари турли баҳоналар билан қурилишни давом эттиришни орқага сурмоқдалар.

Косон районида меҳнаткашларга кино хизмати кўрсатиш тўғрисида гаплашадиган бўлсангиз, рақамларни қалаштириб ташлашади. Район кинолаштириш идорасининг бошлиғи ўртоқ С. Турсунбоев беш ой ичида 1000 дан ортиқ сеанс ўтказилганлигини, буларда 100 мингдан ортиқ томошабин кино фильм кўрганлигини айтиб мақтанади, албатта. Тўғри, районда яхши жиҳозланган кинотеатр ва кинозаллар бор. Ўз ишини яхши биладиган кино механиклар ҳам топилади. Лекин ҳамма жойда иш бир хил эмас. Ленин номли колхоз марказидаги 400 ўринли ёзги кинотеатрга инсон қадами тегмаганидан одам бўйи ўт босиб кетган. «Партия XXII съезди» колхози марказидаги 400 ўринли ёзги кинотеатр эса хароба ҳолига келиб қолган.

Шугина эмас, айрим клублар номигагина бор. Бундай клубларда на кинофильм кўрсатилади, на бошқа ишлар олиб борилади.

Кинопрокат область бўлимидаги ўртоқларнинг хафсаласизлиги ҳам меҳнаткашларни ранжитмоқда. Ойлик репертуар планда белгиланган янги кинофильмлар вақтида юборилмайди. Натижада мавжуд клуб ва кинотеатрларда бир хил фильмлар қайта-қайта кўрсатилаверади.

Косон районн меҳнаткашлари яхши ният билан меҳнат қилишяпти. Улар 12800 гектар майдонда пахта етиштиришмоқда. Катта хирмонни кўзлаб ғайрат билан ишлаётганлар кундузги меҳнатдан сўнг кўнгилли ҳордиқ чиқаришни истайдилар. Лекин уларнинг истаклари кўпинча амалга ошмай қоляпти. Район раҳбарлари кино хизмати кўрсатишни яхшилаш тўғрисида ҳам ўйлаб кўрсалар ёмон бўлмасди.

М. ХОЛМУРОДОВ.

ЯНГИЛИКЛАР, ХАБАРЛАР, ВОҚЕАЛАР

ПЛАНЕТАМИЗДА

ЯГОНА МАҚСАД ЙЎЛИДА

Бундан ўн йил муқаддам, 1961 йилнинг 6 июлида СССР билан Корея Халқ Демократик Республикаси ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида шартнома имзоланган эди. Бу шартнома ҳар иккала қардош халқларнинг ягона мақсад йўлидаги муштарак ҳаракатларига кенг имкониятлар очиб берди.

Совет кишилари корейс дўстларининг ҳаёт ва ишларига зўр қизиқиш билан қарайдилар, уларнинг ғалабаларидан чексиз қувонадилар. Совет Иттифоқи ва Корея Халқ Демократик Республикаси социалистик ҳамдўстликнинг аъзоларидир. Улар социалистик интернационализм принциплари асосида, ягона мақсад, тинчлик учун кураш асосида ана шу иттифоққа уюшганлар. Мамлакатларимизни мустаҳкам ва бузилмас дўстлик, ҳақиқий социалистик бирдамлик узвий боғлаб турибди. Бу дўстлик империалистик босқинчиларга қарши биргаликда курашда оғир синовлардан ўтди.

Совет Иттифоқи Корея Халқ Демократик Республикаси саноатини ривожлантиришда, унинг мудофаа қудратини мустаҳкамлашда катта ёрдам кўрсатаётир. СССРнинг ёрдами билан КХДРда 50 дан зиёд саноат корхоналари қурилди. Мамлакатларимиз ўртасидаги савдо алоқалари йилдан-йилга кенгаймоқда, маданият, фан ва техника соҳасидаги ҳамкорлик кенг кўламда олиб борилмоқда.

Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартнома Совет-Корея алоқаларини янада мустаҳкамламоқда, Узоқ Шарқда тинчлик ва хавфсизликнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда. Ўртоқ Ким Ир Сен айтганидек, «ҳар икки мамлакат — Корея ва Совет Иттифоқи халқларининг дўстлиги ва жипслиги озодлик учун бўлган шиддатли олишувларда янада мустаҳкамланди. Улуғ Ленин кўрсатган умумий йўлда тобланган бу дўстлик мангу бузилмасдир».

Совет Иттифоқи ва Корея Халқ Демократик Республикасининг халқлари социализм ва коммунизм қуришдек ягона мақсад йўлида меҳнат қилишяпти. Бу олижаноб мақсад давлатларимизнинг қардошларча иттифоқини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. «Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва совет халқи, — деган эди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев, Америка империализмига қарши ва Кореяни демократик асосларда бирлаштириш учун курашаётган қардош корейс халқини тўла қўллаб-қувватлайди. Бизнинг партиямиз, бағча совет кишилари корейс халқи ғалаба қозонишига ва бутун Кореянинг бирлашиб, мустақил давлат бўлишига ишонадилар». Биз ҳам бу йўлда қардош корейс халқларига муваффақиятлар тилаймиз.

В. ЗОКИРОВ.

СОВЕТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ КХДРГА КЕЛДИ

ПХЕНЬЯН, 5 июль. (ТАСС). Корея Меҳнат партияси Марказий Комитети ва Корея Халқ Демократик Республикаси Министрлар кабинетининг таклифига биноан, Совет Иттифоқи билан Корея Халқ Демократик Республикаси ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартнома имзоланган куннинг 10 йиллигига бағишланган тантаналарда қатнашиш учун бугун Совет партия-ҳукумат делегацияси Пхеньянга келди. Делегацияга КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари К. Т. Мазуров бошчилик қилмоқда.

Аэродром «Яшасин Корея ва Совет Иттифоқи халқлари ўртасидаги жанговар дўстлик!», «Яшасин марксизм-ленинизмнинг енгилмас байроғи!» деган сўзлар ёзилган транспарантлар билан безатилган эди.

ЖАҲОН БИР ҲАФТА ИЧИДА



НАТО УЯСИДА САРОСИМАЛИК

Ўртаер денгизи марказида, Сицилия оролидан жануброқда жойлашган кичкина Мальта оролининг номи икки ҳафтадан бери жаҳон матбуоти саҳифаларида қайта-қайта тилга олинмоқда. Ана шу оролдаги давлатнинг 12-13 июнда бўлиб ўтган сайлов натижасида ҳокимият тепасига келган ҳукумати оролни НАТО ҳукмидан озод этишни талаб қилганидан кейин Мальта ҳамманинг диққат марказида бўлиб қолди.

Мальта унчалик катта эмас—унинг майдони атиги 310 квадрат километр, аҳолиси эса 323 минг кишидан ошмайди. Лекин бу орол Ўртаер денгизининг стратегик жиҳатдан муҳим районида жойлашган бўлиб, НАТО ва Пентагоннинг ҳарбий планларида сезиларли роль ўйнайди. 1964 йилда Лондон шу оролда ҳарбий базаларни сақлаб туриш учун Англияга руҳсат берадиган «мудофаа тўғрисида шартнома» деб аталган 10 йиллик шартномани Мальтага зўрлаб қабул қилдирганлиги бежиз эмас эди. Ўрта ер денгизида изғиб юрувчи АҚШ 6-флотининг кемалари доимо Мальта портларига келиб лангар ташлаганлиги тасодифий бир ҳол эмас эди.

Ғарбдаги муайян доиралар Мальтани очиқдан-очиқ НАТОнинг плацдарми, ўзига хос «чўкмас авианосеци» деб билмоқдалар. Оролда бўлиб ўтган сайлов натижасида мамлакатнинг мустақиллиги учун курашаётган маҳаллий лейбористлар партияси ғалаба қозонди. Шу сайлов якунлари НАТО ҳукмронларини талвасага солиб қўйди. Д. Минтофф бошчилигидаги янги ҳукумат аҳолининг кенг қўллаб-қувватлашига таяниб бетарафлик сиёсатини ўтказмоқчи эканлигини равшан айтганидан кейин, НАТОнинг Европа жанубий зонасидаги бирлашган ҳарбий денгиз кучлари қўмондони адмирал Бириnделлини оролдан ҳайдаб чиқарганидан сўнг ва ниҳоят асоратли «мудофаа тўғрисидаги шартнома»ни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилганидан кейин НАТО доираларида чинакам саросималик бошланди.

Ҳозирча Мальтадаги аҳвол хусусида Лондон билан Вашингтон расмий баёнот бермай турган бўлсалар ҳам, лекин Минтофф ҳукуматига ошкора ҳарбий тазйиқ ўтказилмоқда. Пентагон халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш тўғрисида 1970 йил декабрида БМТ Бош Ассамблеяси қабул қилган ва халқаро муносабатларда куч билан ёки куч ишлатиш билан дағдаға қилишдан воз кечишни кўзда тутган декларацияни қўпол равишда бузиб, Мальта соҳилларига «Маккорд» эсминецини юборди. Лондон эса оролга денгиз пиёда қўшинларининг отрядларини юбормоқда.

Сўнгги маълумотларга қараганда, «Мальта ғанглиги» Ғарбий Европа иттифоқи кенгашининг (бу кенгашнинг ҳамма аъзолари НАТОнинг аъзоларидир) 2 июлда Лондонда очилган мажлисида, шунингдек НАТОнинг Брюсселдаги бош қароргоҳида шошилинч равишда муҳокама қилингач Мальтага ошкора тазйиқ ўтказиш кучайиб бормоқда. Лекин НАТО корчалонлари «исёнкор орол»га қарши қандай чораларни кўрмасинлар, улар Мальта халқининг бутун дунёга янграб эшитилган овозини бўға олмайдилар. Ўрта ер денгизидаги кичик бир давлатнинг халқи эса қатъият билан НАТО зўравонлигига қарши чиқмоқда, ўз мамлакатининг мустақил бўлиши учун курашмоқда.

МУДҲИШ ҲАМКОРЛИК

Америка марказий разведка бошқармасининг директори Ричард Хелмснинг Исроилга қилган визити ва унинг Исроил раҳбар арбоблари билан музокаралари жаҳон матбуотининг зўр эътиборини ўзига тортди ва жуда кўп фикр-мулоҳазаларга сабаб бўлди. Аввал бошда Вашингтон билан Тель-Авив бу сафарни сир тутишга уриндилар. Лекин бу уриниш муваффақиятсиз бўлиб чиқди. Хелмснинг ва ҳамроҳларининг Исроилда пайдо бўлганлиги тўғрисидаги хабарлар ажнабий газеталарнинг саҳифаларида эълон қилинганидан кейин Тель-Авив ва Вашингтонда Америка разведкаси бошлиғининг Исроилга қилган ана шу мислсиз визитини истар-истамас тан олишга мажбур бўлдилар.

Хелмс Тель-Авивда бўлган чоғида бош министр Г. Меир, мудофаа министри М. Даян ва ташқи ишлар министри А. Эбан билан учрашди. Ажнабий агентликларнинг хабарларига қараганда, музокаралар вақтида Яқин Шарқдаги ва Ўртаер денгизи ҳавзасидаги аҳвол, АҚШ билан Исроил разведка органларининг янада яқин ҳамкорлиги ва уларнинг араб мамлакатларидаги қўпорувчилик фаолияти, шунингдек АҚШнинг Исроилга ҳарбий ёрдамини кенгайтириш масалалари муҳокама қилинган.

Хелмс ва унинг йўлдошлари Исроилда уч кун бўлганларидан кейин 1 июлда бу мамлакатдан жўнаб, Ўрта ва Яқин Шарқ бўйлаб сафарни давом эттирганлар. Исроил пропаганда аппарати Хелмснинг визитидан фойдаланиб, Қўшма Штатларнинг Исроил қуролли кучларини мустаҳкамлашдан ва унинг агрессив сиёсатини қўллаб-қувватлашдан манфаатдор эканлигини яна бир марта таъкидлади.

«Едиот ахронот» газетасининг ёзишича, Хелмс «Исроилни қўллаб-қувватлашни ва уни янада қуроллантиришни талаб қилмоқда ва ҳатто Исроилни ғарбнинг ҳарбий иттифоқлари ва блокларига қўшишни маълум даражада ёқламоқда».

Байрутдаги ахборот доираларида Хелмснинг визити Яқин Шарқдаги аҳволни БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 1967 йил 22 ноябрь резолюцияси асосида сиёсий бартараф қилиш йўлидаги ҳар қандай ҳаракатларга қарши чиқаётган ва араб территорияларини босиб олинганлигини абадийлаштиришга уринаётган Тель-Авив позициясидан жаҳон жамоатчилигининг норозилиги кучайиб бораётган бир пайтга тўғри келганлигига эътиборни жалб қилмоқда. Марказий разведка бошқармаси директорининг Исроил раҳбарлари билан ўтказган музокаралари АҚШдаги муайян доиралар Яқин Шарқдаги кескин вазиятни сақлаб қолишдан манфаатдоргина бўлиб қолмай, бу билан бирга дунёнинг ана шу районидаги кескинликни янада кучайтиришга интилаётганликларини ҳам кўрсатиб турибди.

БИРМА РИВОЖИДА ЯНГИ БОСҚИЧ

Шу кунларда Рангунда ҳукмрон Бирма Социалистик программаси партиясининг съезди бўлиб ўтмоқда. Бу съезд 28 миллион Бирма халқи ҳаётида муҳим роль ўйнаши керак.

Бирма Социалистик программаси партияси бундан 9 йил муқаддам 1962 йил кўкламида генерал Не Вин бошчилигида ҳокимият тепасига келган ватанпарварлик кайфиятидаги ҳарбийлар ташкилоти сифатида тузилган эди. Не Вин бошчилигидаги Революцион кенгаш Бирма Социалистик программаси партиясининг ўзаги бўлди ва мамлакатда бир қанча жиддий социал-иқтисодий ўзгаришларни амалга оширди. Революцион кенгашнинг «Бирманинг социализмга бориш йўли» деб аталган сиёсий декларацияси иқтисодий соҳада ва бошқа соҳаларда Бирма жамиятини қайта тузиш ишида социалистик йўл программаси бўлиб қолди. Ҳозир кончилик саноатининг 80 процентдан ортиғи ва қайта ишлаш саноатининг салкам 60 проценти, бутун ташқи савдо ва ички савдонинг анчагина қисми давлат контроли остида турибди.

Бирманинг социал-иқтисодий укладини тубдан қайта қуриш билан бирга халқ оммаси мамлакатнинг сиёсий ҳаётида тобора кенг ва актив қатнаштирилмоқда. Республикада етти миллиондан ортиқ кишини ўз ичига олган ва Бирма Социалистик программаси партиясининг оммавий базаси бўлган ишчилар ва деҳқонлар кенгашлари тузилди. Ҳозирги вақтда партия аъзолари ва кандидатлари 400 минг кишидан ошиб кетди. Яна бир миллиондан ортиқ ишчи, деҳқон, ҳарбий хизматчи, зиёлилар ва аҳолининг бошқа ватанпарвар қатламлари вакиллари партияга қабул қилишни сўраб ариза бердилар.

Съезд кунларида Бирма шаҳарлари ва қишлоқларининг кўчаларида «партиянинг кучи — халқнинг кучи» деган шиор тез-тез кўзга ташланиб турди. Бу шиор Бирма Социалистик программаси партиясини кадрларнинг тор ташкилотидан оммавий партияга айлантириш йўлидаги интилишини ифодалайди. Ана шундай оммавий партия Бирма халқининг мустамлака ўтмиши меросини батамом тугатиш учун, мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини янада мустаҳкамлаш ва жамиятни социалистик негизда қайта қуриш учун олиб бораётган курашига бошчилик қилиши мумкин бўлур эди.

Янги конституцияни ишлаб чиқиш энг муҳим вазифалардан бири эканлиги съездда таъкидлаб ўтилди. Бу конституция социалистик принципларга асосланади ва Бирмада социалистик экономика билан социалистик демократияни вужудга келтиришни мақсад қилиб қўяди.

Бирма танлаб олган ва дадил бораётган йўлни Осиё ва Африкадаги бошқа кўпгина мустақил давлатлар ҳам танлаб олиб, келгусида социалистик жамият қуришни мўлжалламоқдалар.

Ю. КОРНИЛОВ, А. СТУПАК, В. ХАРЬКОВ,
(ТАСС).

АМЕРИКА ИМПЕРИАЛИСТЛАРИНИНГ ЖИНОЯТИ

Никсон ҳукумати Пентагон доирасида уюштирилган иғвогарликларни, зўравонликларни ва маҳфий жиноятларни Америка Қўшма Штатларида чиқадиган матбуот органларида, умуман матбуотда ёритмаслик учун шунингдек бу маҳфий материалларни нечоғлик сир тутиш учун қанчадан-қанча тадбирий-чораларни кўрмасин, бундай мунофиқликлар афкор омма олдида ошкор бўлиб қолмоқда. Вьетнам тупроғида олиб борилаётган жиноий уруш, Лаос ва Камбоджа территориясига бостириб кириб тинч аҳолининг оромини бузиш, уларни уруш гирдобига тортиш каби жиноий ишлар Америка империалистларининг ҳақиқий башарасини яққол кўрсатиб қўйди. Лекин, улар бу қабих ишларни яширишга, бунинг учун икки юзламачилик қилишга ҳамда ёлғон-яшиқларни ишлатиб, ўз устларидаги жиноий ишларни хаспўшлашга ҳаракат қилиб келдилар.

Кейинги пайтларда Вашингтоннинг расмий доиралари довдираб қолдилар. Чунки, Америка Қўшма Штатлари шу пайтгача ўзининг босқинчиликдан иборат сиёсатини гўёки яшириб келмоқда эди. Жаҳон жамоатчилиги бу сиёсатнинг жирканч томонларини очиқдан-очиқ билса ҳам, бироқ, Вашингтон сиёсатдонлари ўз қабиҳликларини яширишга ҳаракат қилар эдилар. Америка Қўшма Штатлари шу пайтгача «Вьетнамда озодлик ва демократияни ҳимоя қилаяпмиз», деб жар солар эдилар. Улар ҳимоясиз қолган шаҳар ва қишлоқларни ёндириб юбордилар, болалар ва қарияларни аёвсиз ўлдирдилар, боғлар ва далалар, шаҳарлар ва қишлоқлар устида напалм, фосфор бомбаларини портлатдилар. Барча жонзодларни оғу билан заҳарладилар. Ниҳоят Сонгми фожиаси ва шунинг каби минг-минглаб фожиаларни амалга оширдилар.

Яқинда матбуотда Пентагон докладидан олинган баъзи фактлар Америка Қўшма Штатлари ҳукмронларининг иккиюзламачилигини ва жиноятини ҳужжат билан тасдиқлаб берди. Қўшма Штатларнинг Ҳинди-Хитой территориясида олиб бораётган агрессив ҳаракатлари азалдан пландаштирилган разил агрессия эканлиги аён бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам Пентагоннинг доклади Нюренберг суди материаллари билан бир қаторда баҳоланиши керак, деган фикрлар айтилмоқда. Бу бежиз эмас албатта.

Агрессорлар ўзлари босиб олган территорияларда кучсизлик қилиб қолдилар, шунинг учун фашистларга хос жиноятларни амалга оширишга, у ерларда гитлерга хос методларни қўлланишга мажбур бўлиб қолмоқдалар.

Америка империалистларининг Ҳинди-Хитойда амалга оширган жиноятларини текшириш юзасидан халқаро комиссия агрессорлар томонидан амалга оширилган янгидан-янги жиноятларни ва йиртқичликларни тўплади ва аниқлади. Бу ерда эълон қилинаётган фотоҳужжатларда АҚШ агрессорларининг жиноий ишлари яққол тасвирланган. Ана шу комиссия ҳужжатларига ТАСС фотохроникасидан олинган ушбу суратларни ҳам қўшиб қўйиш даркор бўлади. Юқоридаги суратда президент Никсон АҚШ қўшинларининг Камбоджага босиб киришини эълон қилаётган пайти тасвирланган, юқоридан иккинчи суратда эса агрессорларнинг Камбоджадаги Саанг шаҳрини босиб олаётганликлари, пастдаги икки суратда эса, Америка Қўшма Штатларининг Вьетнам тупроғида қилаётган жиноятлари кўрсатилган.

Халқимизда «Ойни этак билан ёпиб бўлмайди», деган нақл бор. Ҳар қандай жиноий хатти-ҳаракатлар жаҳон жамоатчилиги олдида албатта фош бўлади.

Редактор **М. ҚОРИЕВ.**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА КОНТОРАСИ

ИНТЕГРАЛ

ЯНГИ БАДИИЙ ФИЛЬМИНИ

КИНОТЕАТР ЭКРАНЛАРИГА ЧИҚАРАДИ

Сценарий муаллифи ва постановкачи режиссёр — Ҳожи АХМАР.
Бош оператор — Александр ПАНН.
Постановкачи-рассом — В. ДОБРИН.
Композитор — Б. ТРОЦЮК.
Ролларда: Рустам САДУЛАЕВ, Ҳамза УМАРОВ, Шуҳрат ЭРГАШЕВ, Тамила АҲМЕДОВА, Д. НИЗОМХЎЖАЕВ, Р. ИБРОҲИМОВА, М. ҚАЮМОВ, Т. ТРУШИНАЛАР қатнашадилар.
ФИЛЬМ ЁШЛАР ҲАЁТИГА БАҒИШЛАНАДИ
«Ўзбекфильм» киностудияси маҳсулоти.

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги
ТОШКЕНТ ХАЛҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ
1971 йилга мутахассисликлар бўйича
АСПИРАНТУРАГА
ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кундузги ўқишга: математик статистика ва эҳтимоллик назарияси, иқтисодий тадқиқотларнинг математик методлари;

кундузги ва сиртқи ўқишга: иқтисод, халқ хўжалик тармоқларини планлаштириш ва ташкил қилиш, моддий-техника таъминотини планлаштириш ва иқтисоди, меҳнатни илмий асосда ташкил қилиш ва иқтисод, статистика, хўжалик фаолияти анализи ва бухгалтерия ҳисоби, ҳисоблаш ишларини механизациялаш, диалектик ва тарихий материализм;

сиртқи ўқишга: КПСС тарихи, сиёсий иқтисод, илмий коммунизм асослари, иқтисодий география, давлат ва ҳуқуқ тарихи ва назарияси.

Аспирантурага кириш ҳақидаги ректор номига ёзилган аризага: кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақаси (4х6 сантиметр ҳажмдаги фотосурат), таржимаи ҳоли, сўнгги иш жойидан характеристика, диплом нусхаси ва зачёт китобчасидан кўчирма (диплом илова), 286 формадаги медицина справкаси, меҳнат дафтарчасидан кўчирма, иш жойидан справка, эълон қилинган илмий ишларини қўшиб топширадилар.

Эълон қилинган ишларга эга бўлмаганлар илмий доклад (танлаган мутахассислиги бўйича реферат) топширадилар.

Аспирантурага кирувчилар олий ўқув юрти программаси бўйича танлаган мутахассислигидан, КПСС тарихидан ва чет тилидан (инглиз, немис, француз) имтиҳон топширадилар.

Аризалар — 1 сентябргача қабул қилинади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Олмазор кўчаси, 183-уй, 1-58 хона.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 — МОСКВА. 19.00 — ТОШКЕНТ. **Ўзбек тилида:** 19.05 — Телеқўғирчоқ театри. 19.25 — Ахборот. 19.40 — Шеърият гулшанида. **Тошпўлат Ҳамид.** 20.10 — **Жиноят ва жазо** (бадиий фильм). 22.00 — Июль — ғўза парваришида ҳал қилувчи ой. 22.15 — Ахборот. 22.30 — **Футбол: ЦСКА — «СПАРТАК»** (Москва).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 — ТОШКЕНТ. 18.15 — Ёш ижрочилар концерти. 19.00 — МОСКВА. 20.05 — Янгиликлар. 20.15 — Бадиий ўқиш. 20.45 — **Шайтон изидан** (бадиий фильм). 22.30 — **Судхўрнинг ўлими** (бадиий фильм).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 21.00 — Фильм-концерт. 21.35 — **Қишлоқ ўқитувчиси** (бадиий фильм).

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Ёввойи қалб — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Шер ҳамлага ҳозирланмоқда — «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда), «ВОСТОК», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

Ҳаётнинг бир куни — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда), НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Асримиздан миллион йил илгари (эрталаб соат 10, кеч 6.40 минутда), Сурайё (ўзбек тилида, кундуз соат 3.20 минутда): — НАВОИЙ номли.

Ҳалок бўлган жавоб беради — «КЎКЧА» (тоқ соатларда).

Чингачгук — Аждаҳо — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (тоқ соатларда).

Асосий зарба (2 серия) — «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Сариқ чемоданчанинг саргузаштлари — «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

ЁЗГИ БИНОДА

Ҳаётнинг бир куни — ТЕЛЬМАН номли.

Асримиздан миллион йил илгари — НАВОИЙ номли.

Шер ҳамлага ҳозирланмоқда — «ФЕСТИВАЛЬ».

Ўтмишдан садо — «ХИВА».

Ўзбекистон ССР геология министрлигининг
ТОШКЕНТ ГЕОЛОГИЯ-ҚИДИРУВ ТЕХНИКУМИ
1971—1972 ўқув йили учун
ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Техникумга ўрта маълумотлилар қабул қилинади.

КУНДУЗГИ ВА СИРТҚИ БЎЛИМГА: геология, фойдали қазилма конларини қидириш ва излаш, қидириш ва излашнинг геофизик методлари, гидрогеология ва инженерлик геологияси, фойдали қазилма конларини қидириш техникаси мутахассисликлари бўйича ўқувчилар қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 2 йилу 6 ой.

Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

КУНДУЗГИ БЎЛИМГА АРИЗАЛАР — 31 июлгача қабул қилинади; кириш имтиҳонлари 1 августдан 20 августгача ўтказилади; 21 августдан 24 августгача ўқувчилар составига қабул қилинади.

СИРТҚИ БЎЛИМГА АРИЗАЛАР — 1 октябрдан 30 ноябргача қабул қилинади; кириш имтиҳонлари — 15 ноябрдан 10 декабргача ўтказилади; 16 декабрдан 25 декабргача ўқувчилар составига қабул қилинади.

Қабул қилиш қоидалари СССРнинг ҳамма ўрта махсус ўқув юртлари учун умумий.

Мурожаат учун адрес: Тошкент-64, Б. Хмельницкий кўчаси, 21-уй, Ўзбекистон ССР Геология министрлигининг ўқув комбинати, қабул комиссияси.

Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети ва Тошкент шаҳар советининг ижроия комитети Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари В. В. Окунскийга отаси

Виктор Андреевич ОКУНСКИЙнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси №26. Редактор — 336545, Редактор ўринбосарлари — 337914, 330683. Масъул секретарь — 334455. Масъул секретарь ўринбосарлари — 337283. Партия турмуши — 333469, 337221. Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 331455. Халқаро ҳаёт — 337221. Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 334780. Совет қурилиши — 333258. Қишлоқ хўжалиги — 337604. Адабиёт ва санъат — 332036, 331216. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 334451. Маҳаллий ахборот ва спорт — 331424. Оммавий ишлар ва хатлар — 332143, 333553. Иллюстрация — 334524. Стенографистка — 337343. Корректура — 337162. Эълонлар — 338142. Коммутатор — 330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254, 330255, 330256, 330257, 330258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ. Андижон — 48—85. Бухоро — 3—31—42. Қарши — 38—42. Нукус — 42—62. Самарқанд — 31—972. Термиз — 54—01. Урганч — 34—55. Фарғона — 4-29-44. Гулистон — 22-09.

А. — 153. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Р. 01596.